

ХУДОЙБЕРГАН ДЕВОНОВ

Ўрта Осиёга фотографиянинг кириб келиши

Бундан бир неча йил мукаддам Ўзбекистон тарихи давлат музейида бир француз сайёҳи ва фотографи Поль Надарнинг кўргазмаси бўлиб ўтган эди. Шаркни Европа учун кашф этиш иштиёкида Ўрта Осиёга фотоаппарат билан келган бу сайёҳнинг исми Поль Надар эди. Ростини айтсам, бу кўргазмадан кўп нарсани кутмаган эдим. Аммо француз фотографининг XIX аср охирида Ўрта Осиёга келиб, ота юртимиз манзараларини тасвирга туширгани мени беҳад даражада хаяжонга солди. Негаки, Поль Надар тасвиридаги шахар ва кишлоқ кўринишлари, орадан бир неча асрлар ўтган бўлса ҳамки, қарийб ўзгармаган эди. Балки Навоий Самарқандга таҳсил олиш учун келганида Поль Надар тасвирга туширган майдон ва кўчаларда юргандир. (Бунга шахсан мен заррача шубҳа қилмайман.) Фақат шахар ва кишлоқлар эмас, балки шу шахар ва кишлоқлардаги қайноқ ҳаёт манзаралари ҳам, оламларнинг ўша вақтдаги ўзига хос қиёфалари ҳам унинг фотосуратларида муҳрланган эди. Француз фотографининг олис тарихимизни шу тарзда бизга бир умрга муҳрлаб қолдиргани мен учун унутилмас воқеа бўлган эди, ўшанда.

Шундан бери қаерда Тарихий Фотосуратлар кўргазмаси бўлса, албатта, бориб кўришга ҳаракат қиламан. Бу ҳол менга, ўйлаётганим, Сиз, азизларга ҳам мамлакатимиз ва халқимиз тарихи билан учрашиш, у билан гойибона мулоқотда бўлиш имкониятини беради, қалбимиздаги Тарих туйғусининг янада бойиши ва тиниклик қасб этишига ҳалол хизмат қилади.

Ўтган асрнинг 30-йилларида француз рассоми Луи-Жак Дагер томонидан кашф этилган Фотография инсоният тафаккурини ағдар-тўнтар қилиб юборди. Инсон умри ва инсониятнинг кечаётган тарихи лаҳзаларини фотосурат тарзида муҳрлаб қолдиришнинг қанчалик буюқ аҳамиятга молик эканини тушуниш қийин эмас. Бугун биз ўтган аср бошларидаги Тошкентнинг, афсуски, бузилиб, ўз ўрнини гўзал қиёбонларга, ҳашаматли иморатларга юўшатиб берган кўча ва уйлари фотосуратларда кўриб, тафаккуримиз ва қалбимиз билан бир неча дақиқа бўлса-да, ўша муҳитга шўнғиб, ўша вақтнинг латиф ҳавоси билан нафас олиб, ўша вақтнинг ҳазин садолари оғушида яшаймиз. Ҳар биримизнинг оилавий фотоархивимизда ўтган ота-боболаримиз, ота-оналаримизнинг турли муносабат билан – гоҳ гамгин, гоҳ бахтиёр ҳолатда, гоҳ тўй-маъракалар, оилавий байрамларда, гоҳ иш жараёнида тушган суратлари бор. Уларни кўрганимизда, шу суратлардан жонсиз жигарларимиз эмас, балки Тирик Бузрукворларимиз бизга тикилиб тургандек бўладилар ва биз улар билан унсиз мулоқотда бўламиз. Хатто уларнинг суратлари олдида бирор эзгу ишимиз туфайли уялмай, аксинча, ўзимизни гоз тутсак, аксинча, бирор чакки иш қилиб қўйган бўлсак, кўзимизни шу Тирик Аждодларимиздан четга олишга ҳаракат қиламиз.

Фото санъатининг қучи ана шундай...

Инсон тафаккурининг кудрати билан вужудга келган Фотографиянинг Ўрта Осиёга, хусусан, ўзбек диёрига кириб келганига 130 йил бўлди.

Тарихий ҳужжатларнинг шаходат беришича, Ўрта Осиё, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон билан танишиш, унинг табиати, тарихи ва маданиятини ўрганиш мақсадида илк бор фотоаппарат билан Туронзаминга келган кишилар европалик сайёҳ ва ўлкашунослардир. Улардан кейин эса хунармандлар ва тадбиркорлар кадамранжида килишган. Шулардан бири Антон Муренко (1837-1875) бўлиб, у 1858 йилда полковник Н.Игнатъевнинг харбий-дипломатик сафари вақтида “очик музейлар шахри” – Хива кўринишларини суратга олган. Унинг издошларидан бири Станислав Николаи 1837 йилда Тошкентда илк фотография ательесига тамал тошини қўйган. Олим ва фотограф Николай Веселовский (1848-1918) ва С.Дудин (1863-1929) XIX аср охирида Самарканддаги машҳур мадраса ва макбаралардаги нақшлар чаманзорини илм-фан учун муҳрлаб қолдиришган. Нихоят, бизга таниш бўлган парижлик фото устаси Поль Надар 1890 йилда Ўрта Осиёга саёҳатга келиб, юқорида тилга олганимиз Орол денгизидан Помир тоғларига қадар қўзилган кадрдон юрт манзараларини суратга туширган. XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё, хусусан, Туркистон фотографлар учун серкатнов чоррахалардан бири бўлиб қолди. Улар учун, айниқса, Самарканд муқаддас зиёратгоҳ манзилга айланди. Европалик ва россиялик фото усталари олис асрларнинг акс-садоси ва ёдгорлиги – Самарканднинг маҳобатли меъморий мажмуаларини суратга олиш учун фоторафик экспедицияларни қайта-қайта уюштирдилар. Бу фото усталари орасида янги санъат турининг энг машҳур намоёндалари оз бўлмаган. Масалан, ўтган асрнинг 30-йилларидаги полиграфия ва фотографиянинг сўнгги ютуқларини ўзида мужассамлантирган “Ўзбекистон 10 йиллиги” фотоальбомининг бош фотографи Александр Родченко (1891-1956) шундай кишилардан бири эди.

Москвадан махсус таклиф этилган бу фото устаси Тошкентга келиб, Борис Кудояров (1898-1974) ва Георгий Зельма (1906-1984) сингари таникли маҳаллий фотографларга устозлик қилди. Улар гарчанд 20-йилларда Москвага қўчиб кетган ва ўша ерда яшаб, ишлаган бўлсалар-да, Ўзбекистон бир умрга улар ижодининг марказий мавзуларидан бири бўлиб қолди. Уларнинг мамлакатимизда яратган асарлари, Макс Альберт, А.Шайхет, И.Панов ва бошқа таникли фотографларнинг Ўзбекистон мавзусига бағишланган ишлари сингари, фото санъатининг олтин фондидан муносиб жой олган. Афсуски, табиий офатлардан ташқари, турли-туман бемаъни уруш ва жанжаллар ҳам халқ меъморий даҳосининг меvasи - мухташам обидаларининг шикастланиши ва нураб боришига сабаб бўлади. XIX аср ўрталарида бошланган рус истилоси пайтида нафакат аҳолиси қаршилиқ кўрсатган шаҳар ва қишлоқлар, балки масжид ва мадрасалар ҳам тўпга тутилди. Чор ҳокимиятидан кейин тарих сахнасига чиқиб, ер юзининг олтидан бир қисмини идора қилган большевиклар эса шу ваҳшийликни ўзларига хос изчиллик билан давом эттириб, меъморий ҳамда диний-маърифий обидаларни вайронага айлантирдилар. Худди шу мудҳиш келажақни олдиндан кўргандек, европалик ва россиялик маърифатпарвар фотографлар Самарканд обидалари ва осори-атикаларини суртга олишда давом этдилар. 1872 йилда А.Кун (1840-1888) томонидан тузилиб, нашрга тайёрланган тўрт жилдлик “Туркестанский альбом”даги 1262 суратнинг аксари Самаркандда олинган.

Шарқ меъмورлигининг йилдан-йилга нураб бораётган шох асарларини муҳрлаб қолдириш учун XIX аср охирида Самаркандга бир неча махсус экспедициялар ташкил қилинди. Россиялик И.Введенский, И.Чистяков ва С.Дудин ўзларидан шундай бой фотоматериал

колдирдиларки, бу материал келажакда Самарканд обидаларини кайта таъмирлашда, айникса, аскотди. Илмий манбаларда айтилишича, сўнгги нафасига кадар Санкт-Петербургдаги Этнография музейида Ўрта Осиё маданий-меъморий бойликларининг муҳофиза бўлиб хизмат килган С.Дудиннинг ижодий фотомероси. 2500 негативдан иборат. Бу негативларнинг биз учун кимматли томони шундаки, уларнинг барчаси Самаркандда олинган.

Амир Темур салтанатининг пойтахтига келиб, бутун дунёга машхур обидаларни сурагга олган фотографлар орасида Г.Мозер (1844-1923), Г.Крафт (1853-1935) ва Ф.Ордэ сингари европалик фото усталари ҳам бўлишган. Уларнинг XIX аср охирларида олган суратлари Гарбда катта ўлчамдаги ҳашаматли альбомлар шаклида чоп этилиб, Ўрта Осиё тарихи ва маданиятига кизиқишнинг янада авж олишига сабаб бўлган.

Зокиржон Холмухаммад ўгли Фуркат 1890 йили Тошкентга ташриф буюрганида, Янги шаҳардаги гимназия, театр сингари рус маданияти ўчоқлари билан яқиндан танишган. Туркистоннинг маданий ва маиший ҳаётига кириб кела бошлаган Европа маданияти ва техникаси янгиликлари шоир калбида ўчмас таассурот қолдирган. У мазкур сафари чоғида Тошкентнинг энг машҳур фотографи Дмитрий Назаров билан ҳам учрашган. Тошкент гимназиясида расм машғулотини олиб борган Д.Назаров Санкт-Петербургдаги Строгонов бадиий-саноат билим юртини тугатгач, Туркистонга келиб, ҳозир Амир Темури номи билан аталган кўчанинг Темурийлар давлат музейи яқинида ўз ательесини очган эди. (Фуркатнинг бизга маълум фотосурати шу ерда олинган.)

“Кунларнинг бирида, - деб ёзган эди Фуркат дастлаб «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида, сўнгра А.Н.Остроумовнинг «Сартлар» китобида эълон қилинган таржимаи ҳолида, - мен Назаровнинг фотографиясига кириб, хушбичим болалар ва чиройли кизларнинг деворларга осилган суратларини кўрдим. Улар шу даражада яхши ишланган эдики, ҳатто ҳавас қилиш мумкин эди. Рассом Назаров менга ўз аппаратларини кўрсатди ҳамда фотографияда қўлланиладиган дори ва коғозларнинг хоссаларини тушунтириб берди. У менга суратларни олиш намунасини кўрсатиш учун хузурида бир кишининг суратини олди, мен унинг ҳаракатларини кузатиб турдим. Бу, шундай рўй берди: у дастлаб қоронги хонада шиша пластинкани махсус дорига ботириб олди ва уни қурутгач, нур тушишидан эҳтиёт чораларини қилиб, зич ёпилган рамкага жойлаштирди. Агар шишага бир тутам нур тушса ҳам, унинг устидаги дори ўз қучини йўқотар экан. Ойнали махсус машина уч оёкка ўрнатилган эди. Сурати олиниши даркор бўлган киши шу машинадан беш-олти қадам нарига ўтказилар экан. Машина (даги ойна) нинг қопқоғи олинганда, машинанинг орқа тарафидаги махсус ойнада шу кишининг тасвири, ҳатто либосининг ранги ва безаклари ҳам яққол кўринар экан. Мен бу мўъжизани кўриб хайрон қолдим...Хозир баъзи бир мусулмонлар ўзларининг суратларини шундай йўл билан олдирмоқдалар. Фотографнинг менга айтишига қараганда, эндиликда фоторафия машинаси ёрдамида осмондаги юлдузларнинг тасвирини, шунингдек, шиддат билан кетаётган отларнинг тасвирини олишаётган экан”¹. Европалик ва россиялик машҳур фотографларнинг Ўрта Осиёга, хусусан, Туркистонга тез-тез қилишлари шу ерда фото саноати ихлосмандларининг қўпайишига туртки берди. Ҳатто XIX аср охирида Тошкентда шундай кишилар ташаббуси билан Туркистон фотография ва нафис саноат ҳаваскорлари жамияти ташкил топди. 1899 йилда эса Туркистон тарихида биринчи марта Тошкентда фото кўргазма ташкил этилди. Кўргазмани тайёрлаш ва ўтказиш бўйича тузилган комиссия, манбаларда айтилишича, икки ярим мингдан зиёд бадиий фотосуратларни томошабинлар эътиборига ҳавола

килган ва бу суратлар 12 та бўлимда намоиш килинган. Шу кўргазмада маҳаллий фото усталари ва хаваскорлари билан бир каторда таникли хорижий фотографлар ҳам ўз асарлари билан иштирок этишган.

Шундай қилиб, 1910 йилда биргина Тошкентнинг ўзида 20 та фотография ательелари мавжуд эди. Шу ательеларда тайёрланган бир катор фотоасарлар Европа ва Америка Қўшма Штатларида ўтказилган фотокўргазмаларда намоиш этилиб, совринларни олишга муваффақ бўлди. Масалан, 1908 йили Франциянинг Марсель шаҳрида ўтказилган Бутунжаҳон фото кўргазмасида бизга таниш бўлган Д.Назаровнинг суратлари олий соврин - "Гран-при"га муносиб деб топилди.

Юкорида тилга олинган 20 та фотоательедан бири "Илхомжон Иноғомовнинг мусулмон фотографияси" эди. У, манбаларда қайд этилишича, 1902 йил 14 апрелда Шайхонтахур даҳасининг Ховузбоғ маҳалласида очилган.

Илк ўзбек фотографининг дунёга келиши

Хар бир инсон тарихнинг муайян бир даврида дунёга келади. Давр эса шундай дарёи азимки, агар тошса, хар қандай инсонни ўзининг шиддатли оқимиға тортиб, бамисоли бир хас янглиғ эзиб-мажаклаб, сўнг ютиб юборади. Агар у ўз галаёни давомида килган вайронликларидан, ямлаб ютган тирик жонлардан тўйган бўлса, енгил нафас олиб, хар икки соҳилида не-не орзу ва умидлар билан яшаётган дов-дарахтлар, хайвонлар ва одамларга ҳаёт бағишлайди.

Хикоямиз қахрамони Худойберган Девоновнинг икки аср оралиғида кечган ҳаёти тарих дарёсининг ана шу икки хил оқимиға тўғри келган. Унинг биринчи ўзбек фотографи ва биринчи ўзбек кинооператори бўлиб улгайиши ҳамда ўзбек халқининг кўзга кўринган сиймолари каторида махв этиб юборилиши шу давр дарёсининг изми билан рўй берган. Шунинг учун ҳам бу ажойиб инсон ҳақидаги хикоямизни у дунёга келган йиллардан бошлаб келсак ўринли бўлар.

Аввало айтиш жоизки, Худойберган Девоновнинг тугилган санаси айрим манбаларда 1878, бошқа манбаларда эса 1879 йил, деб қайд этилиб келади. Шубҳасиз, унинг шу икки сана оралиғида тугилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Негаки, у дунё юзини кўрган замонда милодий йиллар тизимиға асосланган таквим ҳаракатда бўлиб, шу таквимнинг аксар йил ва ойлари ҳозирги хижрий йилларга ағдарилганда, орада баъзан бир йил-ярим йиллик фарқ пайдо бўлиб қолади. Балки шунинг учундир унинг тугилган йили турли манбаларда турлича ёзилиб келган. Ҳатто Худойберган Девонов 1937 йил 30 июнда хибсга олиниб, махбуслик анкетаси тўлдирилганда тугилган йилини 1888 йил, деган бўлса керакки, анкетада шу рақам муҳрланиб қолган. Аммо кейинчалик терговчилар биринчи ўзбек фотографининг 1934 йилда берилган паспорти асосида унинг тугилган йилини 1879 йил, деб қайд этганлар. Шунга қарамай, биз 1878 санасини ишончли маълумот деб қабул қилсак, тарих ҳақиқатиға зид иш қилмаган бўламиз. Энди, ҳурматли китобхон, сиз билан биргаликда XIX асрнинг сўнгги чорағини таҳаййюл

йўли билан кўз олдимишга келтирсак:

Хоразм хонлигининг чор кўшинлари томонидан босиб олиниши... Хонликнинг рус империясининг таъсир доирасига тушиб қолиши...

Шу икки ибора тагида хонлик тарихида янги давр бошланди, деган маъногина эмас, балки канчадан-канча кишиларнинг киргин килингани, шаҳар ва қишлоқларнинг ҳаробага айлангани, хонлик ҳаёти, халқ ҳаёти издан чиқариб юборилгани ҳақидаги дахшатли ҳақиқат ётади.

Бу бир кам дунёнинг нағмаларидан бири шунда эдики, ҳудди шу даврда Хоразм хонлигини Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) идора этаётган эди. Бу маърифатпарвар хон илм-фан, адабиёт ва санъатга ҳомийлик қилиб, кўплаб масжид ва мадрасаларни қурдирган. Шоир ва тарихчи Баёнийнинг ёзишича, у китобхонликка алоҳида эътибор бериб, ҳафтада икки марта – душанба ва жума кунлари олимларни саройга таклиф этиб, адабий гурунглари бошқарар, китобхонлик оқшомларини ўтказар экан. У хонликдаги илмга меҳрли, адабиёт, санъат ва турли-туман ҳунарларга завқли ёшларни Хивага тўплаб, уларнинг ўзи барпо этган мактаб ва мадрасаларда ҳазина ҳисобидан ўқиб-ўлғайишларига имкон яратар экан. Маърифат ва маданиятга, ҳатто айтиш мумкинки, хонликнинг келажигига шундай муносабат туфайли у ҳукмронлик қилган 1865-1910 йиллар Хоразм тарихининг порлоқ саҳифаларидан бири бўлиб қолди. Яна шу нарса муҳимки, у илм-фан, адабиёт ва санъатга катта эътибор бериш билан бирга Ўрта Осиёда биринчи босмаҳонанинг, биринчи фотографиянинг, биринчи овозсиз кинонинг яратилишига ҳам ўз ҳиссасини қўшди.

Худойберган Девонов Хоразм тарихининг шундай бурилиш нуқталаридан бирида, маърифатли Муҳаммад Раҳимхон II ҳукмронлик қилган бир даврда тугилди. Унинг дунёга келиши таникли шоир ва публицист Эркин Мадраҳимов (Ошиқ Эркин) нинг “Чакмок” деб номланган ҳужжатли қиссасида бундай тасвирланган:

“Қадам маҳрам маҳкамасида девонлик қилаётган Нурмуҳаммад ога алланималарни оққа кўчириш билан банд бўлиб, ҳийла ҳаяллаб қолди. Бир вақт икки-уч бола ҳузурига чопқиллаб қирди:

- Суюнчи беринг, Нурмат ога, суюнчи! Рўзика опамларнинг кўзи ёриди. Ўғил! Ўғил!! Нурмуҳаммад ога суюнганидан довдираб қолди. Аранг ҳушини йигиб, болаларга бир тангадан суюнчи берди. Сўнг ишларини апил-тапил йигиштирди-да, уйига қараб югурди...

Бу воқеа 1879 йилда – августнинг учинчи куни рўй берган эди. Чакалокка Худойберган деб ном қўйишди. У оилада уч яшар Онажондан кейинги иккинчи фарзанд эди”¹. Муаллиф гарчанд ўз асари жанрини ҳужжатли қисса деб белгиллаган бўлса-да, келтирилган лавҳа ҳам, қиссанинг бошқа ўринлари ҳам бадиият суви билан сугорилган. Чунончи, Худойберганнинг 3 августда тугилганлиги тўғрисидаги маълумот, бизнингча, бадиий тўқима маҳсули. 1879 санасига келсак, бу сана бошқа манбаларда ҳам учрашига қарамай, Худойберган Девоновнинг 1935 йилда битилган таржимаи ҳолидаги санадан фаркланади. Илк ўзбек фотографи мазкур таржимаи ҳолида тугилган санасини 1878 йил, деб кўрсатган. Аммо қиссадаги янги меҳмоннинг Нурмуҳаммад (Нурмат) ва Розика оиласида уч ёшли Онажондан сўнг иккинчи фарзанд бўлиб тугилгани рост гап, бу маълумотга ишониш мумкин..

Шундай қилиб, бўлажак биринчи ўзбек фотография 1878 йили Хива шаҳрида Нурмуҳаммад девон (мирза) оиласида дунё юзини кўрди. Унинг отаси, айрим манбаларда айтилишича, хон саройида мунший (қотиб) ва табиб бўлиб хизмат қилган. Бошқа бир

манбада Нурмухаммад отанинг Хўжайли туманида ҳоким бўлганлиги айтилади. Худойберган Девоновнинг жияни Абдулла Юсупов эса тоғаси ҳақидаги хотираларида ёзилишича, Нурмухаммад Хўжайли туманидаги ер-сувнинг бошқарувчиси бўлган. Х.Девоновнинг ўзи НКВД терговчиларига берган кўрсатмасида Хива туманидаги Бадирхон кишлоғида отасининг 6 гектар ери бўлгани ва у шу ерларни теваарак-атрофдаги дехконларга бўлиб берганини ҳамда шу ерлардан даромад олганини айтган.

“Чакмок” хужжатли киссаси муаллифи Худойберганнинг болалик ва ёшлик йиллари тўғрисида баҳс юритиб, бундай ёзади:

“Отаси Нурмухаммад ўз даврининг анча билимдон ва маданиятли кишиларидан эди – ўғлига хат-савод ўргатди. Худойберган ўн икки ёшидан бошлаб отаси билан девонхонага катнаб, хат-чизувда унга дастёрлик кила бошлади”¹.

Юкорида тилга олинган тергов материалида Худойберган Девонов отасига карашли ер-сув тўғрисида сўзлаб: “Менинг ўзим дастлаб бокколлик дўконини очиб, савдо билан шугулландим, аммо савдо билан ўралашиб колмай, соатсозлик килиб, хунармандлик билан машгул бўлдим. Отам 1918 йили вафот этди. Мен отамдан колган ерни дехконларга ижарага бериб, улардан даромад олиб турдим. 1927 йилда эса барча ер-суву мол-мулкимни шўро ҳокимияти фойдасига топширдим”, деб ёзган.

Махбус фотографнинг бу сўзларига кўшимча тарзида шу нарсани айтиш лозимки, Худойберган ёшлик чоғидан бошлаб техникага кизиккан ва соатсоз устага шогирд тушиб, маълум муддат соатсозлик билан машгул бўлган.

Х.Девоновга бағишланган аксар рисола ва маколалар шўро даврида майдонга келганлиги туфайли бу хужжатли кисса ва маколаларнинг муаллифлари

Худойберганнинг рус тили ва маданияти таъсирида шаклланганлигини айтишга алоҳида эътибор беришган. Шу тамойил Эркин Мадрахимовнинг хужжали киссасида ҳам сезилиб туради. У ёзади: “Нурмухаммад ога Худойберганнинг ўсиб-улгайиши учун ҳеч нарсани аямади. Ўглининг рус тилини ўрганишга жазм этишини кўллаб-кувватлаб, ўша пайтлар Хивада очилган рус-тузем мактабига топширди”¹.

Салимжон Хасанов исм-шарифли муаллиф “Биринчи ўзбек кинооператори” деган маколасида эса Худойберган ҳаётининг худди шу даври тўғрисида куйидаги сўзларни ёзган:

“Ўткир зехнли Худойберган ок-корани танигач, тез орада араб ка форс тилларини мукамал ўрганди ва Шарк адабиёти классиклари ижодини ҳам кунт билан мутолаа кила бошлади. Рус тилини ўрганиш учун эса у рус тили ўқитувчиси Мухтор Бакировга шогирд тушди. Айникса, унинг дунёкарашининг шаклланишида, илгор рус фани ва маданиятига меҳр-муҳаббат уйғотишида ўз замонасининг илгор фикрли кишилари бўлган Комил Хоразмий, Баёний, Табибий, Мутриб Хонахаробий, Аваз Ўтар ўғли, Отажон Абдалов, Мухаммад Расул Мирзо, Сафо Муханний, Факирий, Партавий каби прогрессия руҳдаги маърифатпарварларнинг таъсири катта бўлди”¹.

Хар иккала муаллиф бу сўзлардан кейин Худойберганда фото санъатида кизикишнинг пайдо бўлиши масаласига кўчадилар ва бунга сабабчи бўлган кишининг номини тилга оладилар.

Х.Девонов ҳақида шу пайтгача ёзилган хужжатли кисса ва маколаларда фотограф ҳаётининг дастлабки саҳифалари шу тарзда баён килинган.

Аммо ушбу сатрлар муаллифи кўлида мавжуд бўлган хужжатлар Х.Девонов ҳаётининг “коронги” саҳифаларига маълум даражада ойдинлик киритади. Шу материаллардан

бири Х.Девоннинг 1935 йил 9 декабрда Урганчда ёзилиб, латин ёзуви машинкада кўчирилган ва юкорида тилга олинган таржима холидир. Мазкур хужжатга караганда, “Худойберган” нафакат бўлажак фотографнинг, балки отасининг ҳам исми бўлган. Яъни исм-шарифи Худойберган Нурмухамедов бўлмиш ота тўнгич фарзанди дунёга келганида азбаройи хурсанд бўлганидан ва бу бевафо дунёдан ёлғиз ўтмай, из қолдириб кетажигига ишонганидан Оллохга шукроналар айтиб, фарзандини ҳам Худойберган деб атаган.

Яна шу нарсани айтиш жоизки, тарихнинг биз тилга олган даврларида жангари уруғларга мансуб кимсалар якин шаҳар ва ўлкаларга бориб, кул ва чўри сифатида хизмат қилиши ва “яхши” пулга сотилиши мумкин бўлган кишиларни ўғирлаб келиб, кул бозорларида сотишган. Кейинчалик “Худойберган” ёки “Оллоберган” исмини олганларнинг аксари кул бозорларида сотилиб, мардона меҳнатлари билан ўз тақдирларини яратган кишилардир.

“1850 йилда, - деб ёзади Х.Девон таржимаи холида, - Худойберган Нурмухамедов Эроннинг Калат деган жойидан такалар² томонидан келтирилиб, Хевада Отажон тўра деганга кул қилиниб, 18 тиллага сотилганлар. Бир неча йиллар отам унинг хизматида ишлаб, иш орасида ўқиб, саводини чиқарганлар. Кейин девонлик (писарлик³) қила бошлаган. Отажон тўра Мадрахим¹ томонидан хибс қилингандан кейин у Кадам махрам қарамоғида девонлик (писарлик) хизматида бўлган. Кадам махрам ясабулбошилиқ мансабига тайинланганидан сўнг майдондаги хизматларни отамга топширган. Отам Хўжайлида ер, сув, таноб ишларида бўлган. Шундай қилиб, Кадам махрам ўзининг ўлажак вақтида қарамоғидаги ворисларини отамга топширган. Яъни отамни васий қилган. Отам эса ўлганича уларнинг хизматида бўладир.. Мен 1878 йилда Хева шаҳарида туғилиб, 9 ёшимдан эски мактабга катнаб ўқидим. 15 ёшимгача оз-кам саводим чиқди. Кейин йўнукчилик² ишига киришдим. Отам эса бу ишни оғир ҳисоблаб, яхшироқ ва одамнинг зехнини ўстиратурган ҳунарларни ўрганишимга ташвиқ қилар эди...” Худойберган Девоннинг отаси ҳақидаги тасаввур тўла бўлиши учун Эркин Мажраҳимовнинг “Чакмок” хужжатли қиссасидан қуйидаги лавҳани ҳурматли китобхонлар эътиборига ҳавола этамиз. Муаллиф “такалар”нинг ўз “ўлжа”ларини кул бозорларига олиб қилишларини тасвирлаб, бундай ёзган:

“Ўлжа”лар билан учи-кири кўринмайдиган қум саҳроси оша тагин бир ҳафтача юрилгач, Хивага қелишди. Хонлиқнинг мағрибу машрикка машҳур Саройбозорида “ким ошди”га кул қилиб сотишди. Улардан бири – 9 яшар Нурмуҳаммадни Отажон тўра ўн саккиз тиллога, гўё мол савдолашаётгандек, сотиб олди. Отажон тўра 1825-1843 йилларда Хива хонлиги тахтини тебратган Оллоқулихоннинг “бир қориндан талашиб тушган” биродари Султон Мухаммаднинг яққа-ёлғиз арзандаси эди. Султон Мухаммад 1866 йилда вафот этиб, ёш Отажон тўрага ҳисобсиз бойлик, катта мол-дунё отамерос бўлиб қолди. Энди ўн тўрт ёшга тўлган тўрага амакиси Саид Мухаммад Раҳимъон Иккинчи – Феруз суянчилик қилди. Аслида Ферузсиз ҳам унинг қўли узун эди. Воҳанинг қўпгина қишлоқ-депараларида неча минг таноб ер, минглаб қорамол, қўй-қўзи, ўнлаб кул ва чоракор-батрак ёш тўрага хатлаб мерос қилинган эди. 1866 йилда унинг қуллари сафига яна бир шўрлик – Нурмуҳаммад ҳам қелиб қўшилди.

Тўра уни Каттатозабог деб аталган хайхотдай мевазор боғидаги дехқони – Хўсин дойи (амаки, тоға) га ёрдамчи қилиб берди. Хўсин дойи элликлардан ошиб қолган, эсини танибдики, шу боғда ер чопиб, дарахтларга қараб, сувини бериб, хўжайин Султон Мухаммадга мева-чевасини йигиб-топириб, эвазига арзимас ҳақ олиб яшаб қелаётган,

... чувак юз бир киши эди...

...Хўсин дойи Нурмухаммаднинг пешонасини силаб, биродарлик килиш билан бирга унга боз кўп унутилмас яхшиликлар кўрсатди. Биринчидан, хат-савод ўргатди. Иккинчидан, буюк аллома шоир Огахийнинг ўзи билан таништирди. Нихоят, кейинги йилларда бот-бот ўйлаб юрган ниятини рўёбга чиқаришга – Нурмухаммадни куёв қилишга қатъий қарор берди. 1874 йилнинг кеч қузида – қиш эшик қоқатган қунларнинг бирида бўлган тўйга Огахийнинг ўзи тўйбошилик қилди...

...Шу орада Саид Муҳаммад Раҳимхон – Феруз Отажон тўра билан муросаси қелишмай, қандайдир баҳона билан ҳибсга олди. Қулликдан қутулган Нурмухаммад йигилган солиқлар ҳисоб-қитобини юритадиган Қадам маҳрам маҳкамасига девон (мирзалик) ишига ўтиб кетди. Йиллар кетидан йиллар ўтиб, девонликда ҳийла нуфуз орттирди, бирин-кетин фарзандлар кўрди...” 1.

Энди яна Х.Девоннинг таржимаи ҳолини ўқишда давом этсак:

“...1889 йилда мени соатсоз устага шогирд қилиб бердилар. Бир йил давомида бу ишни ўрганиш учун устодим бўлмиш Адам исмли бир рус устага 300 сўм тўладим. 3 йил бу иш билан шугулландим.

Шул вақтларда фото ишларини ўрганишга менда қатта ҳавас пайдо бўлди. 1903 йил бир миқдор пул анжом қилганим ҳолда Полвон хожи билан бирлик-ла Маскавга кетдим...”

Худойберган Девон таржимаи ҳолини ёзган кезларида, чамаси, немис миллатига мансуб қишлоқ билан ҳамкорлик қилганлиги, чунончи, Оқ масжидга қелиб ўрнашган немислардан бири Вильгельм Пеннердан фотографияни ўрганганлигини айтиш ҳавфли бўлган кўринади.. Шунинг учун ҳам у Адамнинг рус миллатига мансублигини айтгани ҳолда асосий устози Вильгельм Пеннер номини умуман тилга олмаган. Ҳолбуки, унда фото саноатига қизиқишнинг уйғониши ва унинг илк ўзбек фотографи бўлиб шаклланиши шу Вильгельм Пеннернинг номи билан бевосита боғлиқ.

Хоразмлик немислар тарихини қарқалаб...

Бир замонлар рус ҳукумати Пруссиядан немис элатларидан бирини Россияда яшашга таклиф этган ва улар Волга бўйларига қелиб, шу ерни тақдир макон айлаган эдилар. Бу немис элати Менно Симонс мазҳабига мансуб бўлгани учун менонитлар деб аталган. Бу мазҳабдаги қишлоқларнинг асосий шиори ҳеч бир ҳолатда қўлга қурол олмаслик, бирор қишга нисбатан, ҳатто қурол қўтариб қелган душманга нисбатан ҳам қуролли ҳаракат қилмаслик эди..

Чор ҳукумати менонитларнинг ўз диний маслакларига қатъий риоя қилишларини яхши билгани учун маълум вақтгача уларни ҳарбий ишларга жалб этмаган. Аммо 1874 йилга қелиб, Россияда мажбурий ҳарбий хизмат жорий этилади ва бу қонун 1880 йилдан бошлаб менонитларга ҳам таалукли деб белгиланади. Бу ҳол аксар менонитларнинг Америкага қўчиб кета бошлашларига сабаб бўлди. Аммо шу пайт яқин орада “Оллоҳ ҳукмронлиги минг йиллиги”нинг бошланажаги тўғрисида миш-мишлар тарқалади. Бундай

караш тарафдорлари “хилистлар” деб аталган. (“Хилиа” юнонча сўз бўлиб, “минг” маъносини англатган.). Хилистларнинг фикрларига кўра, “Оллох хукмронлигининг мингйиллиги” Шарқда бошланар, “гунохкор Гарб” эса илохий жазога мубтало этилган экан. Бундай фикрлар Таврия ва Самара губерняларида истикомат килган менонитлар жамоаси орасида кенг таркалиб, улар Петербургга, рус императорига ўзларини харбий хизматдан холи Шарқдаги бирор мамлакатга кўчиришни сўраб, делегация юборганлар. Менонитларнинг ташвишларидан хабар топган Туркистон генерал-губернатори К.П.фон Кауфман менонитлар жамоасини Туркистонга таклиф килган ва уларни 25 йилгача харбий хизматдан озод қилишга ваъда берган. Шундан сўнг менонитлар мол-мулкларини сотиб, бир қарвон бўлиб йўлга чиққанлар. Улар сафари узок давом этиб, турли-туман қийинчилик ва мусибатларни бошдан кечирганлар. Улар Ўрта Осиёда жойлашиб, колония тузишларига махсус рухсатнома келгунига қадар Инжилни ўқиб, ўзбек тилини ўргана бошлаганлар.

“Бизнинг менонитлардан ташкил топган жамоамизда, - деб ёзади Волга бўйларидан Хоразм воҳасига келиб қолган немислардан бири - Герман Янтцен “Олис Туркистонда” деб номланган мақоласида, - ҳамма ҳам динга эътиқод қўйган эмас эди. Қўчиб келадиганларнинг отахони ваъзхон Иоганни Пеннер эди. Йигит ва қизлар, шу жумладан, мен ҳам унинг ваъзлари туфайли динга бўлган муносабатимизни ўзгартирганимиз. Унинг юрагида меҳр-муҳаббат жўш уриб турарди. У мен билан нажот ҳақида суҳбатлашганида Оллохга: “Эй Парвардигор, сенга ўз юрагимни кўрсат”, деб тиловат қилишимни маслаҳат берган. Мен шундай қилдим. Шунинг учун мен унга бутун умрим бўйи миннатдорман.. Волга бўйларидаги ватанни тарк этганимизга бир йил бўлган эса-да, жамоамизнинг жойлашиши учун ҳали ҳам бирор аниқ макон йўқ эди...”¹

Шу ерда айтиш лозимки, 1873 йилдаги истилчилик ҳаракатларидан сўнг Хоразм хонлиги Россия империясининг таъсир доирасига ўтган. Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори К.М. фон Кауфман Ўрта Осиёга қўчириб келтириладиган рус фуқаролари учун мактаб, гимназия ва кутубхоналарни ташкил этиш билан бирга намунали кишлоқ хўжаликларини ҳам барпо этмокчи бўлган. Волга бўйларидан қўчириладиган немислар унинг шу мақсадининг амалга ошишига ёрдам беришлари мумкин эди. Шунинг учун ҳам у аслида Кавказга қўчиб бориш ниятида юрган немисларни қатта ваъдалар билан Ўрта Осиёга таклиф қилган.

Манбаларда айтилишича, Ўрта Осиё рус қўшинлари томонидан забт этилиб, Россия тасарруфига ўта бошлаган XIX асрнинг 60-йилларида мамлакатимизга асосан Болтик бўйидаги немис миллатига мансуб харбийлар, тадбиркорлар, инженерлар, врачлар, амалдорлар қўчиб келишган. Менонитлар ва бошқа мухожирлар эса Ўрта Осиёга 1874 йилдан бошлаб кела бошлаганлар. Менно Симонс мазҳаби издошлари йўлда 18 ҳафта юриб, 1880 йилнинг 18 октябрида Тошкентга етиб келишган ва кишни Коплонбек кишлоғида ўтқизишган. Аммо шу орада фон Кауфман вафот этиб, Бухоро амири ҳам, Тошкент уезди бошлиғи ҳам менонитларнинг ўз ерларида ўрнашиб қолшларига ижозат беришмайди. Аросат даштида қолган менонитлар Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II га мурожаат этишга мажбур бўлишади. Муҳаммад Раҳимхон II Хива шаҳридан хийла узокда жойлашган кишлоқдан уларга ер ажратиб беради. Хоннинг Амударё бўлими бошлиғига 1882 йил 15 июлда йўллаган хати сакланган бўлиб, унда бундай сўзлар ёзилган эди:

“...Мен бу ерга келган уч немисни қўриб, улар билан сўзлашдим: улар менинг фуқаролигимга ўтиб, менинг еримда яшаш истагини билдиришди; улар арпа-бугдой экиб, менинг бошқа фуқароларим билан бир қаторда солиқ тўлашни хошлашмокда. Бундан

ташқари, улар агар ёмон ишлар қилишса, шу ишларнинг муҳимлигига қараб шариат ва одат бўйича жазолашим мумкинлигига рози эканликларини билдиришди. Мен ўз томонимдан уларни бир йил солиқ тўлашдан озод қиламан ва бундай солиқни кейинги йили оламан...Мен уларга Лавзан ва Хўжайли яқинидан етарли миқдорда ер-сув ажратиб бераман...”¹

Шундай қилиб, менонитларнинг 60 оиласи Хива хони ажратган ерларга қўчиб келади. Менонитлар ўзлари билан барча керакли нарсаларни, ҳатто араваларни ҳам қисм-қисмларга бўлиб олиб қелишганлари, йўлда эса эшик-деразаларни сотиб олганлари учун қишга қадар қимсасиз ерларни ўзлаштириб, немис посёлқасини барпо этадилар. Яқин атрофда яшаган аҳоли уларга ун, гуруч, тухум, балиқ сингари зарур озиқ-овқат маҳсулотларини олиб қелиб, улар назарида, “сув пули”га сотади. Масалан, узунлиги бир метргача бўлган осетра балигининг нархи бозорда атиги 25 тийин бўлган.

Немислар жойлашган ердан беш-ўн чақирим нарида, Амударёнинг қуйи оқимида ёвмуд қабиласи яшар эди. Бу жангари қабила немисларнинг қуролсиз эканликларини билганларидан сўнг қарийб ҳар қуни бостириб қелиб, уларнинг отларини, мол-мулкларини, ҳатто ёш қелинларни ҳам ўғирлаб қочишган. Бир қуни Герман Янтцен икки ақаси билан олдиндан тайёрлаб қўйган ёғоч найзалари билан бисотларидаги уч отни ёвмудлар қўлидан қайтариб олмоқчи бўлишган. Буни кўрган ота ўғилларига қараб қазаб билан бундай деган:

- Уялмайсизларми, бўталарим, ёмонликка қарши шу тарзда қурашадими? Халқимиз қўлга қурол олмаслик учун бу ерга етиб келгунига қадар қанчадан-қанча ўлкаларни орқада қолдирди. Биз ўз аҳду паймонимизда қатъий тураётганимизни кўрсатишимиз лозим эмасми!. Нахотки сизлар бир ҳамла билан оталарингиз имонини бир пул қилсангиз! Қани, уйга кириб ётинглар! Отларимизнинг ўғирланаётганини кўриб турган Оллоҳимиз бизнинг уларсиз очликдан ўлим қетишимизга йўл қўймайди!

Хоразм воҳасига нажот излаб келган немислар шундай имонли қишилар бўлишган. Аммо қамона қайли билан шу ерга қелиб қолган қазаклар менонитларга ёвмуд балосидан ҳалос бўлиш учун хонга мурожаат этишни маслаҳат беришади. Немисларнинг мушқул аҳволда қолганидан хабар топган хон зудлик билан ички ишлар нозири Қосим Девонни улар ҳузурига юборади. Нозир немислар ўрнашган жойнинг қок ўртасида ҳашаматли қодир тикиб, жамоа оқсоқолини қабул қилади ва уларга иззат-ҳурмат кўрсатади. Ўз навбатида Янтценлар оиласи ҳам дастурхон ёзиб, нозирни ўз уйларига таклиф қиладилар. Нозир уй беқасининг тикув асбоблари турган столи устида турган қутичани кўриб, оромини йўқотиб қўяди. Қутичанинг усти қарчанд ойна қабил ялтиллиб турган бўлса-да, унинг ёғоч тахтача устига ўрнатилганлиги сезилиб турарди. Нозир бу антиқа қутичани кўради-ю Мухаммад Раҳимхон II билан бирга Петербургга борганини эслайди. Ўшанда хон шарафига зиёфат берилган зал паркетини кўзга камаштиргудек ҳудди шундай ялтиллаб турганди. Хон ўз саройида шундай паркетли залнинг бўлишини орзу қилган эди, ўшанда!

Нозир уй эгасидан қутини қим қасаганини сўрайди.

- Қайнотам, - деб жавоб беради қекса Янтцен.

- Сизларнинг орангизда ҳам шундай ишларни қила қиладиган усталар қорми? – сўрайди нозир.

- Қайнотам ҳам биз билан бирга қелган, - жавоб беради Янтцен.

Ҳа, шундай усталар қор эди. Ва улар қўп ўтмай, Хивага қориб, хон саройидаги қатта зал паркетини қуришга қиришиб қетадилар. Хон немисларга қатта ҳурмат кўрсатиб, қирқ

немис оиласи учун Ок масжиддаги акасига тегишли ердан жой ажратиб беради. Кўп ўтмай, Ок масжидда немисларнинг дурадгорлик, темирчилик устахоналари пайдо бўлади. Улар дехкончилик билан шугулланиб, Ок масжид далаларига ҳам европача маданият шабадасини олиб кирадилар.

Хоразм наққошлик мактабининг асосчиларидан бири Абдулла Болтаевнинг номи кўпчиликка маълум. Унинг бу хунарни эгаллашига, эшик-ромларни ясовчи усталардан бири бўлишига немис менонитлари сабаб бўлишган. “Отам, - деб ёзган эди Абдулла аканинг ўгли Карим Абдуллаев, - немисларнинг тикувчилик ва дехкончилик ишларига ҳам қойил қолар эди. Мен биринчи бўлиб оврупоча кўйлак ва костюмларни немис чеварлари шарофати билан кийганман”, - дейди Абдулла. Болтаев. Немис усталари иш олганда уни вақтида бажарар, қолган бир қарич материални ҳам тайёр кийимнинг устига қўйиб, қайтариб беришарди.

Оқмасжидлик немис дехконлари дехкончиликнинг янги усуллари қашф этиб, Хоразм учун қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларининг янги навларни яратишган. Хоразмда қартоққа, помидор қабил неъматларни биринчи бўлиб эққан ҳам оқмасжидлик немис дехконлари эди. “Немис тарвузи”, “немис қиғири”, “немис қол ёғи” ва боққа (атама) лар ҳам шундан қолган”¹.

Юқорида тилга олганимиздек, XIX асрнинг 40-йилларидан бошлаб Ўрта Осиёга жаҳоннинг турли мамлақатларидан сайёҳлар, фотографлар, миссионерлар қела бошлашди. Уларнинг бир қисми Европани Ўрта Осиё билан, унинг тарихи, маданияти ва одамлари билан таништириш ниятида ташриф буюрган бўлса, боққаси жосуслик маълумотларини тўплаш мақсадида қелган. Шу сайёҳ, фотограф ва миссионерларга ўзбек тилини, хусусан Хоразм шевақсини ўрганган, шунингдек, рус тилини яхши билган немис ёшлари таржимонлик қилишган. Улар орасида номи юқорида зикр этилган Иоганн Пеннернинг ўғли Вильгельм ҳам бўлиб, у ташвиқотчилик ишларидан ташқари, фотография билан ҳам шугулланган. 1858 йили Оренбург-Устюрт-Қўнгирот-Хива йўналиши бўйича Хоразм хонлиғига қелган рус миссионери Н.Игнатъев хвм яхшигина фотограф эди. Унинг шу сафар чоғида олган суратлари, айтиб ўтганимиздек, 1862 йили Берлинда альбом шаклида нашр этилган. 1873 йили рус қўшинлари Хоразм хонлиғига қарши уруш бошлаганларида эса улар сафида 12 нафар фотограф ва рассом ҳам бўлган. Лекин немис менонитлари 1882 йил охирларида Хоразм хонлиғи худудларига етиб қелгунларига қадар маҳаллий халқ орасидан бирорта фотограф хали етишиб қикмаган эди.

Биз юқорида қекса Янтценнинг ўғилларига айтган сўзларини бежиз қелтирмадик. Бировга, хатто душманга ҳам қўл қўтаришни гуноҳи азим деб билган менонитлар отаҳони Иоганн Пеннер фарзанди Вильгельм Пеннерни ҳам шу руҳда тарбия қилган, унинг хар бир ташлаган қадами, хар бир айтган сўзи учун Оллох олдида жавобгар эканлиғини дилига қуйган, бориға ҳам, йўғига ҳам шукроналар айтиб яшайдиган, оқ қўнгил инсон қилиб ўстирдан эди. Вильгельм Пеннер шу фазилатлари билан теварак-атрофда яшаган маҳаллий аҳолиға манзур бўлган ва улар ҳам ўз навбатида ўзбек тилини яхши билган ва ўзбекларга хурмат билан муносабатда бўлган Чикирчи қишлоқлик фотографни Панор (Фанор) ота деб айкашган

Хуллас, Худойберган Девонов 1900-1901 йилларда Фанор ота – Вильгельм .Пеннер билан танишиб, ундан фотоаппарат воситасида сурат олиш хунарини ўргана бошлади.

Янги касбни эгаллаш йўлида

Катагон даври курбонлари номини тилга олиш мумкин бўлган 60-70-йиллардан бошлаб Худойберган Девонов тўгрисида ўнлаб макола ва очерклар эълон килинди. Бу хайрли ишни бошлаб берган, биринчи ўзбек фотографи ва кинооператори хакида бир неча маколалар ёзган ва хужжатли фильмларни яратган таникли киношунос олим, филология фанлари доктори Хамидулла Акбаров, хоразмлик фидойи ёзувчи ва журналистлар Эркин Мадрахимов, Салимжон Хасанов, Комил Нуржонов, Рўзимбой Хасан ва бошқалар Худойберган Девоновнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганиш ишига муҳим ҳисса қўшдилар. Ўзбек фотографиясининг дунёга келганига 125 йил тўлиши муносабати билан бу улуғ ишга Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Турсунали Қўзиев, Тошкент Фотография уйи директори Шахноза Каримбобоева ва бошқалар бел боғлаб киришдилар, буюк замондошимиз меросининг янги тарихий-маданий даврда ўрганилиши ва оммалашишида ташаббускор бўлдилар. Шунинг учун ҳам камина ушбу рисолаи ёзиш жараёнида улар каламига мансуб кисса, очерк ва маколаларда берилган қимматли маълумотлардан кенг фойдаландим. Бундай бахтли имкониятга эга бўлганим учун камина уларга чин қалбдан миннатдорчилик билдираман.

Шундай қилиб, соатсозлик билан шугулланган ва эҳтимол, ёшлиқ йилларини шу ҳунарга бағишламокчи бўлган 22 яшар йигитнинг Вильгелм Пенер билан учрашуви унинг тақдирини ағдар-тўнтар қилиб юборди. Кишилар ва табиат манзараларининг бир лаҳзадаги ҳолатини фотосуратда муҳраб қолдириш чиндан-да мўъжиза эди. Унинг бахтига, Вильгелм Пенер ҳам ўз ҳунарини - тирикчилик манбаларидан бирини яширишга уринмайдиган, рақобат орттиришдан қўчимайдиган мард ва олижаноб инсон эди. Аксинча, у Худойберганди фото саноатига қизиқиш уйғотиб, унга сурат олиш ва ойнага туширилган тасвирни қоронғи хонада фотодорилар ёрламида юзага чиқаришнинг мураккаб жараёнини қўл билан ўргатди. Ҳатто унга “Zot” русумли фотоаппаратини совға қилди. Худойберган унинг қолдаси билан шу фотоаппаратда сурат олишга қувона-қувона киришди.

Ёш мусулмон йигитчанинг сурат олаётгани хабари бир зумда тарқалди. Агар Худойберганнинг тенгдош ва қурдошлари бу ишини ҳавас билан қўзғатган ва унинг орқасидан қувалашиб эргашиб юрган бўлсалар, мутаассиб кишилар шариат қонун ва қоидаларини пеш қилиб, “ғуноҳга ботаётган” йигитни бу ҳунарни ташлашга қўзғат қилдилар, ҳатто: “Сен суратга олган одамлар қиёмат-қойим бўлганда тирилиб келиб, жонимни қайтариб бер, деб сендан талаб қилишади. Ўзинг ҳам ўлганингда дўзахга тушиб, шариат қонундаги қўғоқларинг учун жаҳаннам азобини тортди ётасан”, деб қўзғатдилар. Мутаассиблар қўғоқ тепазида қимсан Салимхон оқунд исми қозқалон турарди. Унинг дўқу қўқисалари, Худойберганни ҳатто қўғир деб эълон қилиши қатта ёшдаги кишиларнинг ҳам қўғдан қўғи бўлашларига сабаб бўлди. Лекин Худойберган ҳеч нарсага қарамай, ўз ақлида қатъий турди. Агар шу йилларда Хива хони тақтини Мухаммад Раҳимхон II - Қўғиз эмас, балки маърифатдан йироқ бошқа бир хон эгаллаб турганида Худойберганнинг ҳам, “унинг қилибини ўз қўлига ололмаган” отасининг ҳам ҳаёти, аминманки, ўзгача қечган бўларди.

Маълумки, 1898 йили Петербургда рус салтанатига келган янги император Николай II га тож кийдириш маросими бўлиб ўтган. Мазкур тантанали маросимга Хива хони ҳам фахрий меҳмонлар каторида таклиф этилган. Мухаммад Раҳимхон шу воқеа муносабати билан Петербургда бориб, рус жамияти ҳаётига фотография ва овозсиз кино санъатларини кириб келаётганини ўз кўзи билан кўрди ва илмий-техник тараққиётнинг бу буюк самарасидан каттик хайратга тушди. У Хоразм воҳасига келган хорижий фотографлар билан учрашган, улар олган суратларни томоша қилган, техниканинг бу янги мўъжизасини кўриб, ёқасини ушлаб қолган эди. Петербургда борганида эса у синема билан ҳам танишди. Петербург шаҳридаги ва шаҳар атрофидаги муҳташам саройларни, хушхаво боғу роғларни, уларда осмон баравар отилиб турган фаввораларни бориб кўрди. Хива билан Петербургдаги кишилар, шаҳарлар, боғлар ўртасидаги фарқ уни ўйлантириб қўйди. У Хива хонлигига ҳам техник ва маданий тараққиёт шабадаларининг кириб келиши лозимлигини дил-дилидан сезд.

“Хон, - деб ёзади республика “Олтин мерос” жамғармаси Хоразм вилоят бўлими раиси Комил Нуржонов, - адабиёт ва санъатни ўта кадрлайдиган, зарурат тугилса, хомийлик қиладиган инсон бўлган. Тарихий манбаларда битилишича, у рус подшолари ҳузурига кириб, ўлкага темир йўл олиб кириш, замонавий босмахона, тикувчилик фабрикаси ва кинематография лабораторияси ташкил этишни сўраган”.

Комил Нуржоновнинг бу сўзлари ҳақиқат зарраларидан холи эмас. Лекин киношунос Ҳамидулла Акбаров “Кинопублицистиканинг машаққатли йўли” деган мақоласида ёзганидек, 1900-1901 йилларда Девонов фото ва кинематография билан шугулланган вақтда Россияда ҳали кинематография пайдо бўлмаган эди.. Хатто Москва ва Петербург сингари йирик шаҳарларда ҳам фильмларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган, шунинг учун ҳам асосан Франциядан келтирилган киносюжетлар каттагина пул эвазига шаҳар ва қишлоқларда намойиш этилган. 1908 йилда Россияда “Понизовая вольница” ёки “Стенка Розан и княжна” деган илк киноасар экран юзини кўрганида Х.Девонов “ўз даврининг муҳим воқеаларини кино тасмасига тушириб улгурган эди. “Орадан 13 йил ўтиб, - деб ёзади Х.Аkbаров, - XX асрнинг 20-йилларда рус киноси вакиллари Х.Девоновга мурожаат этиб, ҳамкорликда ишлашни таклиф этишган”.

“Худойберган, - деб давом этади киношунос олим, - Петербург билан эмас, Хивадан 25 километр наридаги Окмачит қишлоғига жойлашган немислар колонияси билан алоқа ўрнатиб, улардан фото ва кинокамера билан муомала қилишни ўрганган. 1890 йилда таваллуд топган, 1907 йилда Х.Девоновнинг синглисига уйланган Ҳасан Читқаров билан суҳбатлашганимизда у шундай деган эди: “Окмачитга қайним Худойберган ака кунда борарди. Ўйга вақт ҳуфтондан ўтганида қайтиб келарди..25 км у томонга, 25 км Хива томонга, умумий, қунига 50 км йўл босарди. Аввал немис тилини ўрганиш учун борди. Ўқитувчисининг исми Вильгельм Пеннер эди. Махалламиздагилар уни “мулла Панар” деса, қайним унга “Панар бува леъ мурожаат этарди”3. Х.Аkbаров мазкур манбага таянган ҳолда Х.Девоновнинг Вильгельм Пенердан икки йил мобайнида ҳар қуни Окмасжидда дастлаб немис тилини, кейинчалик фото-кино ишларини ўрганганлигини айтади. Унинг Ҳасан Читқаровдан олган маълумотига қараганда, Вильгельм Пенер бозор (якшанба) кунлари Хивага келиб, Х.Девонов истикомат қилган манзилда унга сабоқ беришда давом этган. Ҳуллас, Х.Девонов XX аср бошларидаёқ москвалик ва петербурглик ҳамкасбларидан аввал кинематография билан танишибгина қолмай, кичик-кичик кинолавҳаларни ҳам суратга олган.

Тахмин қилиш мумкинки, Худойберганнинг шу йилларда фотография билан қизиқиб,

табиат манзаралари, тарихий-маданий обидалар билан бирга тирик кишиларни ҳам суратга ола бошлагани хоннинг кулогига етиб, унда ёш фотографга нисбатан хайрихоҳлик пайдо бўлган. Бинобарин, хоннинг Худойберганга нисбатан яхши муносабатини кўрган козикалон ўз тахдидларини амалга оширишга ожизлик килган. Худойберган Девоновнинг хаваскор фотограф ва кинооператор сифатидаги ижодий йўлининг янада равшанлик касб этишида унинг Москва ва Петербургга бориб, зарур асбоб-анжомларни олиб келиши муҳим омил бўлди. Х.Девоновга бағишланган барча рисола ва мақолаларда унинг мазкур шаҳарларга 1907 йилда сафар килгани кайд этиб келинади. Холбуки, у юқорида тилга олинган таржимаи холида биз учун бундай янги маълумотни берган:

“...1903 йил бир микдор пул анжом килганим холда Полвон хожи билан бирлик-ла Маскавга кетдим. У ердан ўзима керакли соат асбоблари ҳамда аппарат билан фото материалларини олиб кайтдим-да, бурунгича ишлай бошладим. Бу вақтларда расм олиш иши ари1 дин ахллари томонидан “шариатга хилоф” ҳисобланар эди.

Хатто отам ёнига элатнинг оксокол, мулла, эшонлари келиб,: “Ўглинг расм олишга киришган эмиш. Бу иш шариатда ман қилинган, сурат турган жойга фаришта қирмайди, ўглингни бу йўлдан қайтар”, деб таклиф қилганлар.

Отам эса уларга жавобан: “Ўғлимнинг бу ҳунарни ўрганишига тўсқинлик қила олмайман, унинг ўлтирган жойига фаришталар қирмаса, бошқа жойга қирганлари етмайдими?! Бундай қурук сўзларнинг нима зарурлиги бор?!” деб қайтариб юборди. Шу вақтларда Хивада фото хаваскорларининг сони бир-иккита эди...”

Афсуски, таржимаи ҳолнинг шу сўзлардан кейинги бир-икки сатри ўчиб кетганлиги учун уларни ўқишнинг иложи бўлмади. Аммо кейинги сўзлардан маълум бўлишича, Худойберган Девонов мутаассиб кишиларнинг бундай қаршиликларига қарамай, нафакат фотография, балки, юқорида айтиб ўтганимиздек, кино билан ҳам кизика бошлаган.

“Бу билан қаноатланмай, — деб давом этган у, - кино-картинка олиш ҳам ўйнатиш ишларига ҳавасландим. Кино-картинкаларни биринчи мартаба Маскавга борганимда кўриб келиб, шу ишлар билан ҳам шугулланишни орзу қилгандим” .

Худойберган Девоновнинг 1936 йили шахсий нафақа олиш учун тайёрлаган ҳужжатларида унинг шу вақтда 58 ёшда бўлганлиги, шундан 35 йили фотографияга бағишланганлиги кайд этилган. Бундан маълум бўлишича, 1878 йилда тугилган Девонов 1901 йилдан эътиборан фотография билан жиддий шугуллана бошлаган. 1903 йилда эса шу соҳадаги малакасини ошириш ва зарур фото асбоб-анжомларини олиб келиш учун Москвага борган. Айни пайтда у Москвадаги янги очилган кино-театрларга бориб, дастлабки овозсиз кино-картиналарни томоша қилган ваўзида кино санъатига ҳам астойдил кизикиш ҳосил қилган.

Х.Девоновнинг юқоридаги сўзларидан яна шу нарса аён бўладики, унинг отаси мутаассиб кишиларнинг дағдағаларидан чўчимайдиган мард, тарихий-маданий давр барақар қадам ташлаган, фарзандининг фото ва кинематография сирларини эгаллашини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган илҳор киши эди..

1907 йилнинг сўнгги ойларида тақдир Худойберганга Москва ва Петербургга бориш имконини берди. Бу сафар у нуфузли делегация аъзоси сифатида Россиянинг марказий шаҳарларига бориб, рус императори саройида бўлди, Москва ва Петербургнинг диккатга сазовор жойларини ўз кўзи билан кўрди. Х.Девоновнинг ҳаётида рўй берган шу унутилмас воқеа Эркин Мадрахимовнинг ҳужжатли қиссасида бундай тасвирланган:

“...1907 йилнинг кеч кузи. Хива хонлигининг Исломхўжа бошлик бир гуруҳ вакиллари Амударё бўйлаб кемада Чоржўйга етиб келгач, у ердан поездга ўтиришди-да, Тошкентга, у ердан эса Петербургга етиб келишди. Йигирма тўққиз бахорни кўрган сураткаш йигит – биринчи ўзбек фотографи Худойберган Девонов Хива уламоларининг Петербургга сафарлари, оқ подшо, олий мансабдаги бошқа амалдорлар билан бўлган учрашувлари, музокара ва зиёфатларини суратга тушира бошлади Николай II, унинг рафикаси, шахзода Алексей, подшолик министрлари хоразмлик фотограф Худойберган Девонов олган суратларда ўз аксини топди...

...Петербургда эканликларининг учинчи куни хивалик меҳмонлар шарафига берилган кечки зиёфатдан кейин кутилмаган воқеа рўй берди. Коронги тушгач, мезбону меҳмонлар кўшни хонага ўтишди. Тўрдаги деворга тутилган оқ матога қараб ўриндикларга ўтиришди. Чирок ўчиб, орқа томондан пайдо бўлган аллақандай нур оқими матога тушди-да, унда ажойиб манзара пайдо килди: деворда кишилар югуриб юришар, бир-бири билан чаккон ҳаракат қилиб суҳбатлашар, Николайнинг извошга чиқаётгани-ю унга кўшилган отларнинг кизик чопкиллаши меҳмонларни хайратга қолдираётган эди...”¹ Шубҳасиз, хоннинг яқин аёнларидан бири бўлган, унинг маданият, маърифат ва сихат-саломатлик масалаларига оид қутлуг режаларини рўёбга чиқарган, ҳатто ўзи ҳам хонни шу ишларни амалга оширишга рағбатлантирган Исломхўжа, валиаҳд Асфандиёр (Исфандиёр) ва бошқалардан иборат делегация иқтисодий алоқаларни ўрнатиш, фан, маданият ва техника соҳасидаги янгиликлар билан танишиш ва шу янгиликларни олиб келиш мақсади билан Россияга борган эди. Шунинг учун ҳам делегация Хоразмга қайтиб кетганидан кейин ҳам Х.Девонов Исломхўжанинг моддий мадади билан яна икки ой рус заминида бўлди.

“...Ҳаракатлантирувчи фотокиноаппарат – “Патэ”ни ўрганганча, - деб давом этади Эркин Мадрахимов, - икки ойдан ортиқроқ вақт ўтди. Худойберган 1908 йилнинг бошларида Хоразмга “Патэ”, телескоп, граммафон, фотоаппарат ва сурат чоп қиладиган қозон билан талайгина лента олиб қайтиб келди”¹.

Худди шу воқеа Комил Нуржоновиқнинг юқорида тилга олинган мақоласида бундай тасвирланган: “...Худойберган Девоновга давлат аҳамиятига молик муҳим учрашувларда иштирок этиш, фан ва техника янгиликларини ўзлаштириш, “деворда ҳаракатланадиган одамлар”ни суратга туширадиган дастгоҳлар харид этиш вазифалари юқлатилган эди. У ўзига топширилган вазифани аъло даражада бажарди, чет эл фирма магазинлари, кинофотостудияларида тажриба тўплади. “Pathe Freres” кинокамераси, граммафон, стереоскоп, ва бошқа зарур анжомларни олиб Хивага қайтди. Муҳаммад Раҳимхон II оғир касал бўлишига қарамай, Россиядан олиб келинган кинокамера ва аппаратураларни кўздан кечирди, “оқ деворда ҳаракатланувчи одамлар”ни қайта-қайта томоша қилди. “Нурмуҳаммад Девон ўғли Худойберган сураткашга зарур шарт-шароит яратиш” ҳақида кўрсатма берди”².

Афсуски, ҳар иккала муаллиф ҳам ўз асарларида келтирилган маълумотни қаердан олганларини қайд этишмаган. Мақоладан-мақолага бир оз ўзгариб, бойиб, баъзан муболагалашиб қўчаётган бу маълумот ўқувчида унинг ҳаққонийлик даражасига шубҳа уйғотиши мумкин.

Х.Девоновиқнинг ўзи эса таржимаи ҳолида мазкур сафар натижалари тўғрисида бундай маълумотни берган, ҳолос: “1908 йилда, - деб ёзган у, - яна Маскавга бориб, Петр Яхум деган бойдан кино аппарати сотиб олдим. Бир ой унинг хусусий лабораториясида пул бериб ўргандим. Кино ўйнататурган аппарат ва материалларни сотиб олиб, Хивага

келтирдим”¹.

Кўрамизки, Х.Девонов Россияга килган сафаридан гўё олиб келган телескоп, граммафон, стереоскоп ва бошқа нарсаларни умуман тилга олмаган, аксинча, у бир ой мобайнида киноаппаратда суратга олиш ва кинолентадаги тасвирни рўёбга чиқариш техникасини ўрганганини айтган. У гарчанд таржимаи холида кайд этмаган бўлса-да, юкорида зикр этилган анжомларни Хивага олиб келиб, хонга кўрсатган ва хаста хон уларни томоша килган, хатто “Нурмухаммад Девон ўгли Худойберган сураткашга зарур шарт-шароит яратиш” борасида кўрсатма берган бўлиши мумкин. Аммо ҳамма гап шундаки, 1910 йил 7 августда Мухаммад Рахимхон II вафот этгач, Хива тахтини унинг ўгли Асфандиёрхон эгаллайди ва у отасининг васиятини ижро этиш ўрнига, аксинча, Худойберган Девонוני сиқувга олиб, унинг фотографлик ва кинооператорлик фаолиятининг кенг канот ёзишига имкон бермайди.

“Бирок, - деб давом этади Х.Девонов, - буни ўйнатиб, халкка кўрсатишимга йўл берилмас эди. Фото ва кўлимдаги аппаратимни Исфандиёрхон Собир махрам деган кишини юбориб, зўрлаб олиб, Богдан Очилдов деган хусусий фотографчиси ва ўзининг савдо бўлими бошлигига топширди”.

Х.Девононинг бу сўзлари, бизнингча, Асфандиёрхоннинг 1910-1912 йиллардан кейинги даврига оид. Негаки, агар шу йилларда хон саройида бошқа фотограф хизмат килган бўлса, у (Асфандиёрхон) 1912 йили Россиянинг Петербург ва бошқа шаҳарларига килган сафарига Х.Девонוני олиб кетмаган бўларди.

Х.Девонов ҳаётини архив ҳужжатлари ва замондошларнинг хотиралари асосида пухта ўрганган Эркин Мадрахимовнинг “Чакмок” асарида бундай маълумот мавжуд.

“Исломхўжа янги хон – Исфандиёрни ок пошшо Николай II билан таништиргани 1910 йилнинг охирида Петербургга бошлаб борган”¹. Э.Мадрахимовнинг ёзишича, Х.Девонов мазкур сафар чоғида Асфандиёрхонга хамрохлик килган. Аммо агар Э.Мадрахимов бу тарихий воқеани 1910 йили рўй берган, деб ёзган бўлса, шу сафар иштирокчиси Полвонниёз хожи Юсупов эса “Ёш хивалиқлар тарихи” китобида мазкур воқеа санасини 1912 йил, деб кайд этган.

У ёзади:

“1912 йилда (Асфандиёрхон) Петербургга сафар килмокчи бўлиб, ок подшо ва министрларга хадялар ола бошлади. Хам ўзи бирлан олиб кетатурган сипохийларни номзод килиб кўйди. Бош вазир Исломхўжа, Хусинбек Девонбеги, Мухаммад, карвонбоши Хожибой... ва бошқа шуларга якин одамлар бирлан Петербургга сафар килди... Москвада хам турмасдан, тўғри Петербургга бориб, ок подшонинг Кишки саройига тушди”².

Полвон хожи Юсуповнинг китобидаги Асфандиёрхонга хамрохлик килган кишилар рўйхатида нима учундир Х.Девононинг номи учрамайди. Аммо Э.Мадрахимов унинг шу сафар иштирокчиси бўлганлигини ва сафар чоғида ўзига керакли асбоб-анжомларни харид килганини айтиб, бундай ёзган: “Худойберган эрталабдан янги фотоаппарат, сурат коғозлари, киноленталар харид килиш режаларини белгилаб, асосий ишни мосқалик киночилар билан учрашишдан бошлашга қарор килди”³. Агар Э.Мадрахимовнинг бу сўзлари ҳақиқатга зид бўлмаса, биринчи ўзбек фотографи ва кинооператори Асфандиёрхонга хамрохлик килиб, унинг Россияга килган сафарини фотосуратлар ва киноленталар шаклида муҳрлаш билан машғул бўлган.

Хўш, Асфандиёрхон мазкур сафар чоғида қаерларда бўлган ва кимлар билан учрашган? Х.Девонов ушбу сафардан қандай таассуротлар, фотосуратлар ва кинотасмалар билан

кайтган бўлиши мумкин? Бу муҳим саволларга жавоб топиш учун яна Полвонниёз хожи Юсуповга мурожаат этайлик:

“Ок подшо тарафиндан хонга генераллик рутбаси бердилар, - деб ёзади у. – Хасанбекка полковниклик, Ислохўжа ва Муҳаммад Вафо Карвонбошига ҳам Катта юлдуз нишонларни бердилар. Бошқа ҳамма хизматкорлар, махрамларга олтин, кумуш соатлар бердилар. Шунинг билан 13 кун туруб, Кавказга бормокчи бўлуб рухсат олиб, экстренний поезд билан чикдилар ҳам келиб Пятигорскига тушдилар. Хон учун алохида бир яхши жой тайёр килган эрканлар. Хизматкорлар ушбу жойнинг олдидаги меҳмонхонага жойлашдилар. Шунда хон 6 кун турди. Шул ўртада Кисловодск, Эссентукиларни томоша килдик. Кавказнинг ушбу баён бўлган ерларида хар турли касалга фойдали модан сувлари бор турур. Хар йилда 6 ой хар турли касалга муфтало бўлган одамлар келиб, давои килдируб, сихат бўлиб кайтадилар...

Кавказда кўп ажойиб жойлар бор турур ва ховаси кўп яхши эрур. Касал одам давои килмасдан бир неча вақт турса ҳам ўз-ўзидан сихат бўлур. Бир неча кундан сўнг хон янида бўлган сипахийлар билан Хивага кайтмокчи бўлди. Ислохўжа касал эрди. Ўзига давои килдирмок учун докторларнинг маслаҳатлари билан колмокка қарор килди. Махфий колмасинким, ушбу бир неча кун турганда Исфандиёрхон Кавказ гўзалларини келтириб, хар окшомда хусусий базм килиб, гўзалларга кўп нимарсалар – бирлиёт, исирга, окчалар бериб турди.

Шундай килиб, хон Маскавга қараб йўлга чикди. Ислохўжа Пятигорскида колди... Йўлда бир окшом кўниб, Маскавга келдик. Маскавда Кирки аркига тушурдилар. Маскавдаги катталар пешвоз чикиб кутиб олдилар.. Бир неча кун Маскавда қайфу сафо килиб Хивага қараб кайтдилар” .

Кўрамизки, Асфандиёрхон ўз махрамлари билан дастлаб Петербургга бориб, шахзода Алексейнинг акика окшомида иштирок этган, рус императорига садокати эвазига генераллик унвони билан тақдирланган. Сўнгра Кавказга бориб, жахоннинг жаннатмонанд жойларини кўриш билан бирга Кавказ гўзаллари ила базми жимшид курган. Нихоят, Москвага бориб, бир мунча муддат турганидан сўнг Хивага кайтиб келган. Агар шу сафар Асфандиёрхон учун рус императори ва Россиянинг машхур шаҳар ва оромгоҳлари билан танишиш сафари бўлган бўлса, Худойберган Девонов учун аввало ижодий сафар эди. Тахмин килиш мумкинки, у мазкур сафардан «бир коп» фотосурат ва кинотасмалар билан кайтган. Бу фотосурат ва кинотасмалар оддий сурат ва кадрлар эмас, балки ўзгариб бораётган давр ва мамлакат тарихининг ноёб кинохужжатлари эди.

Тарихий давр □ фото ва кино кўзгусида

1908 йилда Худойберган Девонов Хивада Ўрта Осиёдаги биринчи фото-кинолабораторияни ташкил этади. У шу вақтдан бошлаб фото ва кино ишлари билан мунтазам шугулланади. Унинг «Халк сайиллари» деб номланган биринчи кинолавҳаси ҳам тахмиман шу йилларда суратга олинган. Ушбу кинолавҳада аср

бошларида Хоразм хонлиги ҳудудларида яшаган ўзбек, туркман, қорақалпоқ, қозоқ миллатларига мансуб кишиларнинг маданий ва маиший-этнографик ҳаёти манзаралари тасвир этилган. Бу кинолавҳа билан танишар эканмиз, ўтмишдошларимизнинг ўтган аср бошларидаги қиёфалари, кийим-кечаклари, ғазтон аравалари, қураш тушишлари, дорвозлик, ҳўроз ва ит уриштириш сингари миллий ўйин ва томошалари тўғрисида тасаввур ҳосил қиламиз. Ўз санъатига ошифта бўлган кинооператор шу йилларда Урганч, Ҳива, Тошқоқа, Тошхўвўз, Ҳўжайли, Тўртқўл сингари шаҳар ва туманларни кезиб, шу манзилларнинг диққатга сазовор жойларини, аҳолининг дехқончилик ишларини кинотасмаларда муҳрлашга интилан. “Қўлбола кинотеатрлар”да намойиш этилган бу кинолавҳалар томошабинларда зўр таассурот қолдириб, уларда янги санъат – кинематографияга катта қизиқиш уйғотган.

Ҳ.Девононинг фотограф ва кинооператор сифатида шаклланиши XX асрнинг 10-йиллари арафасида бошланиб, 10-йиллар аввалида муайян самараларини берган.

Ҳ.Девононинг 1913 йилда илк бор Туркистон шаҳарлари бўйлаб ижодий сафарга чиқиши тасодифий эмас.

Агар Хоразм хонлигининг Ҳ.Девонўв яшаган даврига – XIX аср охири - XX аср бошларига назар ташласак, икки муҳим нарсa диққат-эътиборимизнинг ўзига жалб этади.

Шуни ифтихор билан айтиш қеракки, Хоразм хонлиги пойтахти Ҳива - ўзбек халқининг меъморий даҳоси тўла муҳассамланган ўч буюқ шаҳардан бири. XYIII асрнинг иккинчи ярми – XIX асрнинг биринчи ярмида Ҳива Ўрта Осиёнинг энг гўзал ва бетакрор шаҳарларидан бирига айланган эдики, унинг гўзаллиги аввало шу ерда барпо қилинган маҳобатли меъморий иншоотлар билан белгиланади. Икки қисмдан иборат шаҳарнинг бир қисмидаги Ичан (ичқари), иккинчи қисмидаги Дишан (ташқари) қалъалар, шаҳар марказидаги Жума масжиди, бундан ташқари, Шерғозихон, Қутлўг Мурод инок, Оллоқулиҳон ва Муҳаммад Аминхон мадрасалари, Пахлавон Маҳмуд макбараси ва Тошхўвли саройидан ташқил топган бу музей-шаҳар ўша даврлардан бошлаб қорижий сайёҳлар, фотографлар ва рассомларни мафтун этиб қелди. Шу муҳташам меъморий ансамбллар бир асрдан бери маҳаллий аҳолидан фотограф ва рассомларнинг етишиб чиқишини қутаётган эди. Ҳ.Девонўв ўз зиммасига тушган шу тарихий вазифани илк ижодий қадамларидан бошлаб бажаришга астойдил қиришди. Ўтган асрнинг 10-йилларида Ҳива шаҳрининг меъморий обидалари, халқ сайиллари, дорвозлар ва масҳаравозларнинг томошалари Ҳ.Девонўв ижодининг бош мавзуларидан бири бўлди. Афсуски, Ҳ.Девононинг ижодий мероси ханўзга қадар турли мамлакат ва шаҳарлардаги давлат фондлари ҳамда ҳусусий архивларда сочилиб ётибди. Шунинг ўчун ҳам биз унинг на ўтган асрнинг 10-йилларида, на 20-30-йилларида олган суратлари, кинолавҳалари ва ҳужжатли фильмлари тўғрисида асосли ва таҳлилий фикр юритиш, қайси сурати қачон ва қаерда олинганлиги ҳақида аниқ-тайин маълумот бериш имқонига эга эмасмиз. “Ўзбек фотографияси. 125 йил” фотоальбомининг тузувчилари ҳам ҳудди шу қийинчилик туфайли мазқур альбомдан ўрин олган Хоразм манзараларини ақс эттирўвчи суратларнинг қимга мансуб эканлигини қайд эта олмаганлар. Бу суратлар орасида ўтган асрларда Хоразмга қелган бошқа фотографлар томонидан суратга олинган фотоасарлар ҳам бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бирок Ҳ.Девононинг муаллифлиги аниқ бўлган суратларни ўрганиш унинг нафакат ўзига ҳос мавзу доираси, балки тасвирлаш услўби ҳам мавжуд бўлганидан шаҳодат беради. Масалан, зикр этилган альбомдан ўрин олган Ислўмхўжа портрети билан Ҳ.Девонўв суратга олган портретларни ўзаро қиёслаб қўрайлик. Агар тилга олинган портретда бош вазир

Исломхўжанинг фотографга мутлако ёт киши эканлиги аён бўлиб турса, Х.Девонов суратларида мухрланган кишининг фотограф учун бегона эмаслиги яққол сезилиб туради. Ана шу рухий ҳолат – фотографнинг тасвир этилаётган ходиса ёки кишига лоқайд эмаслиги Х.Девоновнинг Хоразм манзаралари ва кишилари тасвирланган суратларида аниқ сезилиб туради. Хатто айтиш мумкинки, Х.Девонов суратга олинаётган жойда ҳозир бўлгандек ёки суратт олинаётган кишининг ёнида тургандек бўлади. Х.Девоновнинг бизга маълум асарлари орасида Хива меъморий обидалари тасвирланган суратлар кўп эмас. Чунончи, биз унинг Хивадаги Жоме масжиди мухрланган суратини ҳам кўриш имконига эга бўлмадик. Аммо биз шуни яхши биламизки, у Жоме масжидини турли ракурсдан бир неча маротаба суратга туширган. У бу билан кифояланиб қолмай, масжид минорасига кўтарилиб, бизга Хиванинг ХҮIII асрдаги кўринишини ҳам мухрлаб қолдирган. Бу суратга назар ташлаган киши лойдан қад кўтарган, бир қаватли уйлар панорамасини кўради. Хивани фақат меъморий иншоотлар шаҳри сифатида тасаввур этувчи кишилар учун бу суратда “ойнинг қоронғи томони” акс этган, десак хато бўлмайди.

Фотография гарчанд тарихнинг соат миллари кўрсатиб турган дақиқа, хатто сониядаги кўринишини, ҳолатини мухрлаш санъати бўлса-да, унинг имкониятлари чексиз-чегарасиздир. Масалан, Х.Девонов юқорида тилга олинган асарида ўтган асрнинг 10-йилларидаги Хива шаҳри кўринишинигина эмас, балки ўтмишини ҳам тасвирлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бинобарин, минора тепасидан, яъни макон ва замон юксаклигидан туриб суратга олинган бу асарда Х.Девоновга замондош Хива эмас, балки унинг аждодларига замондош Хива ўзининг бадиий инъикосини топган. Биз юқорида XIX аср охири - XX аср бошларидаги Хоразм хонлигида икки муҳим нарсани диққат-эътиборимизни ўзига жалб этишини айтган эдик. Бу икки нарсанинг бири Хива тарихини ўзида мужассамлантирган машҳур меъморий обидалар, майдон ва кўчалар бўлса, иккинчиси Х.Девоновга замондош кишилар – давлат ва маданият арбобларидир.

Худойберган Девонов ҳаётининг дастлабки йиллари Муҳаммад Раҳимхон II - Ферузнинг хонлиги даврида кечган. Шу даврда яшаган Ҳасан Мурод қори Муҳаммадамин ўғли Лафқасийнинг “Хива шоирлари ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари” тазкирасидан маълум бўлишича, маърифатпарвар хон саройида 54 та шоир бўлган. Улар орасида Оғахий, Табибий, Чоқар, Аваз Ўтар ўғли, Қомилжон Девоний сингари машҳур шоирлар, бундан ташқари, Муҳаммад Юсуф Баёний сингари тарихчилар, олимлар, хаттотлар бўлиб, улар шу даврда маданият ва маърифат ишларининг раванг топишига қатта ҳисса қўшганлар Феруздан ташқари, Исломхўжа сингари маърифатпарвар давлат арбоблари бўлишган. Х.Девонов шундай машҳур ва номашҳур замондошларининг суратларини тарих учун олиб қолдиришни ўзининг муқаддас бурчи деб билди.

Х.Девонов ижодий меросининг қатта қисmini шундай замондошларининг суратлари ташкил этади. Агар у хон ва унинг аёнлари суратини саройнинг ҳашаматли жойлари фонида, аксар ҳолда бутун бўй-басти билан олган ва шу йўл билан улар суратига тантанаворлик руҳини бағишлаган бўлса (масалан, Муҳаммад Раҳимхон II, Исломхўжанинг ўғли Абдусаломхўжа, Муҳаммад Вафо Қарвонбошининг суратларига эътибор беринг), оддий кишилар қиёфасини мухрлашда турли-туман усуллардан истифода қилган. Чунончи, у Хива гўзалларининг суратларини олишда йирик режадан фойдаланиб, улар либослари ва тақинчоқларининг ҳам диққат марказида бўлишига эришган (“Хоразмлик аёл”, “Аёл портрети”, “Темур Ғози тўранинг энағаси Саодат” суратлари). Турли қасб эгалари қиёфасини тасвирлашда эса суратқаш одатда ўрта

режадан унумли фойдаланиб, уларни иш жараёнида акс эттиришга алоҳида эътибор қаратади. Бундай суратларнинг "кахрамон"лари аксар ҳолда бирор жойда ўтирган бўлишади ("Ип йигирувчилар", "Ёғ сотувчилар", "Сахрода ер ўчоқ" суратлари). Хатто "Хон овчиси" асари "кахрамон"и ҳам от устида ўтириб, икки қушни ушлаган ҳолда тасвирланган. Бу ҳол Х.Девоннинг, умуман, замондошларининг суратларини олишни эмас, балки уларнинг муайян соҳага мансуб кишилар сифатида образини яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганидан далолат беради.

Худойберган Девоннинг фотосуратлари тавсиф этилаётган ушбу фаслда биз унинг икки асарига алоҳида тўхташни истар эдик. Булардан биринчиси "Дорвозлар" деб аталади. Қўкон хонлигида бўлганидек, Хоразм хонлигида ҳам дорвозлар санъати халқ театрининг муҳим бир бўлаги сифатида қадимдан яшаб, авлоддан-авлодга ўтиб келади. Ўтган асрнинг 10-йилларида хоразмлик дорвозлар орасида энг машҳури Собир дорвоз эди. Унинг дор устидаги акробатларга ҳос чаккон ва жозибали ҳаракатлари томошабинларни мафтун этган. Бу ажойиб халқ санъатининг муҳлисларидан бири бўлган сураткаш Собир дорвознинг дор устидаги ўйинларини турли вақтда турли ракурсдан суратга олган. Шулардан бирида биз гўёки ҳозиргина олдимиздан липиллаб ўтиб, дорга чиқиб олган ва шиддат билан дорнинг энг баланд қисмига лангар қўтариб кетаётган дорвозни кўрамыз. Томошабинлар оммаси пастда - дор атрофида ярим доирани ҳосил қилиб, "қил устида ўйнаётган" дорвознинг ҳар бир ҳаракатини оғизларини ланг очган ҳолда кузатиб - томоша қилиб туришибди. Арконни қўтариб турган биринчи режадаги икки устуннинг "Х" шаклидаги қесишган кўриниши суратга интрига тусини берган. Дорвоз шу ўйнаб кетишида ўн-ўн беш одам бўйи келадиган баланд устунга омон-эсон етиб бора оладими ё йўқми, деган савол ҳамма бу билан томошабинга завқ-шавқ бағишлаш, уни бир неча дақиқа мобайнида бўлса-да дунё ташвишларидан ҳалос этиш ниятида "ўз ҳаёти билан ўйнашаётган" дорвоз образини тасвирлашга эришади ва оддий, исми хатто номаълум бўлган персонажни қахрамонлантиради. Биз тўхталмоқчи бўлган иккинчи сурат ўтган аср бошларида Хоразм хонлиги ҳаётида рўй берган муҳим воқеа ҳақида. Маълумки, буюк ватандошимиз, тиббиёт фанининг отаси Ибн Сино машҳур Маъмун академияси гуллаб-яшнаган заминда яшаганига қарамай, XX асрнинг 10-йилларига қадар Хоразм хонлигида шифокорлик ишлари яхши йўлга қўйилмаган ва шу ачинарли ҳол туфайли юқумли касалликлар авж олган эди. Шундай шароитда ўз даврининг илғор фикрли, миллатпарвар ва маърифатпарвар хонларидан бири Ферузнинг буйруғи билан Хивада мухташам касалхона биноси қурилиб ишга туширилган. Бу, ўша вақтдаги хонлик ҳаётида муҳим воқеа бўлган. Сураткаш бу касалхонани шундай ракурсдан туриб суратга олганки, бу суратни кўрган киши унинг кўчада тўда-тўда бўлиб кетаётган дардманд кишилар саломатлигининг гавари бўлишига чиндан-да ишонади. Сурат томошабинга шундай ҳаётбахш қуч ва руҳ бағишлаш қудратига эга, десак янглишмаган бўламиз.. Х.Девон олган мазкур сурат томошабинда шундай умид ва ишончни уйғота олиши билан, айниқса,. қимматлидир.

Хонлиқнинг тугатилиши

Окил кишиларни саройдан узоклаштириб, айш-ишратга берилган ва белига кайсарлик камарини боғлаган Асфандиёрхон мамлакат ишларини, канал ва зовурларни тозалаш лозимлигини мутлако унутиб қўйди. Натижада 1913 йилнинг баҳор ва ёз ойларида ариklarга сув чикмай, кургокчилик авж олиб, очарчилик бошланди. Сувсиз каналлар ёнида яшаган аҳоли бошқа жойларга қўчиб кетишга мажбур бўлди. Сабр косаси тўлган халк 1914 йилнинг бошларида кўп жойларда норозилик билдириб галаён кўтарди. Маишатпараст хоннинг 1916 йилдаги вахшиёна қилмишлари эса халкнинг унга бўлган нафрат оловини янада гуриллатиб юборди. Хонлик кемаси тўфон шабадаси эсаётган давр денгизида каттик чайкала бошлади.

“1912 йилларгача фото материалларидан маза топа олмай ишлар эдим, - деб ёзади ўша йилларда рухий таназзул ҳолатини бошидан кечирган Х.Девонов. – Баъзан зерикиб, у ишларни тўхтатиб, шу вақтдаги газета-журналларни ўқур эдим. 1915 йилдан кейин инқилобий ишларга аралшиб кетиб, 1917 йилда Исфандиёрхонни тахтдан туширишда иштирок қилдим. Шу йилнинг ўзида хон ёвмутларга суянгани ҳолда инқилобий ишларда қатнашиб юрган кишиларни таъкиб қила бошлади. Бобохон Ёкубов, Отажон Сафоев, мен ва яна бир нечаларимиз Тошкентга қочдик. Хивада бир оз тинчлик бошланганидан кейин қайтиб келиб, тагин ҳам Ёш хивалилар ташкилотида ишимизни давом эттирдик”¹.

Асфандиёрхон .халкка қанчалик жабр-зулм ўтказиб, қолим подшо сифатида халкнинг газаб-нафратига дучор бўлган бўлмасин, Россия империяси учун Хива хонлиги тахтида шундай манфур қимсаннинг туриши айтиш муддао эди. Рус қуроли қучига ишонган Асфандиёрхон хонликда муҳолиф қучларнинг уюша бошлаганига сира парво қилмай, зулм ва зўравонликка асосланган сиёсатини давом эттираверди.

Мустабид хон 1917 йил кишининг қаҳратон совуқ кунлари Қримда истироҳат қилиб ётганида Петербургда Февраль инқилоби содир бўлди ва 300 йил ҳукмронлик қилган Романовлар сулоласи тахтни тарк этишга мажбур бўлди. ҳақида хабар қилиб қолди. Бу “хунук” хабарни эшитган хоннинг пайтавасига қурт тушиб, тахт қўлдан қетгандир, деган ҳавотирда Туркистонга, сўнгра Хивага ўчиб қелди. Унинг бахтига, Февралнинг оловли нафаси ҳали бу ерга қилиб улгурмаган эди. Аммо тархнинг ўйинини қарангки, бояги қозқалоннинг фарзанди Бобоохун Салимов раҳбарлигидаги Ёш хивалиқлар мамлакатда демократик ислохотларни амалга ошириш йўлида саъй-ҳаракат қилаётган эдилар. Февраль инқилобидан кейин кўп ўтмай, Муваққат ҳукуматга садокат қилдириш учун Хива шаҳрига рус солдатларининг қатта бир гуруҳи қилиб жойлашади. Ёш хивалиқлар ўз мақсадларини амалга оширишда полковник Мерзляковдан ёрдам беришни сўрайдилар. Полковник Мерзляков хонни ўлдирмаслик шарти билан уларга ёрдам беради. “Ёш хивалиқлар ташкил этган кўп минг кишилик колоннани хон саройига бошлаб бориш учун бир рота аскар жўнатилади ва улар бошқарган оломон “Яшасин озодлик!”, “Йўқолсин қолимлар!” шiorлари остида Нуруллабой томон хон саройига йўл оладилар. Ёш хивалиқлар партияси аъзолари саройга етиб бориб, хондан давлатни конституция асосида бошқаришни, хоннинг айрим мулозимларини улар қўлига топширишни талаб қиладилар. Бу воқеаларнинг гувоҳи Абдулла Болтаев эсдаликларида айтилишича, Полвонниёз ҳожи Юсупов, Шолиқаровлар Ёш хивалиқлар ва шаҳар аҳолисининг вакили сифатида Исфандиёрхон ёнига қириб, ўз талабларини баён қиладилар. Биринчи бўлиб Полвонниёз ҳожи Юсупов сўз бошлайди: “Таксир, Ўрусияда ишчи ва деҳқонлар қолшоқ ҳукмронлигини ағдариб ташлаб, ҳуррият эълон қилдилар ва “Идораи машварат”¹ ташкил

этдилар. Биз, Ёш хиваликлар, ҳам сиздан хуррият олиб, “Идораи машварат” ташкил қилиш учун Хоразм фукарolari номидан вакил бўлиб хузуригизга келдик”, - деди. Исфандиёрхон уларга қараб: “Сизлар вакил бўлиб келган бўлсангизлар, хурриятни қуч билан оласизларми ёки шариат биланми?” – де(б сўра)ди. Полвонниёз хожи Юсупов хоннинг бу саволига жавобан: “Таксир, хурриятни шариат билан оламиз”, - деди. Хон Ёш хиваликлар вакилларига қараб: “Сизлар ҳам шариат йўлини биласизларми?!” – деди. Исфандиёрхоннинг бу сўзлари Повонниёз хожи ва Назир Шолиқаровларни газаблантириб юборди Назир Шолиқаров ўрнидан сакраб туриб Исфандиёрга баланд овоз билан: “Бизлар шариатни яхши биламиз, лекин сизлар уни яхши билмайсиз. Ёш кизларни зўравонлик йўли билан ота-онасидан тортиб олиб номусига тегиш, уни бошқа бир одамга хотинликка бериш қайси бир шариатда бор?! Ёки кизларни номусига тегиб, уларни уриб ўлдириш, баданига қайноқ сув қуйиш, бегунох халқнинг мол-мулкини талаш, қаршилиқ кўрсатганларни зиндонга ташлаш, қийнаб ўлдириш қайси шариатда бор?! Агар зарур бўлса, биз сизнинг дахшатли қилмишларингизни далиллар билан исботлаб берурмиз”, - деди“2.

Асфандиёрхоннинг сўнгги қунлари тасвирланган бу лавхани келтиришдан мақсад, биринчидан, Х.Девононнинг ўтган асрнинг 10-йилларида кечирган рухий таназзул сабаблари ва унинг Ёш хиваликлар ҳаракатига қелиб қўшилиш йўллари қўрсатиш бўлса, иккинчидан, сиз, ҳурматли қитобхонларни Хоразм инқилоби тарихининг шу муҳим нуқтаси билан таништиришдир.

Асфандиёрхон ўша қуни Ёш хиваликлар билан учрашув чоғида уларнинг кескин ҳаракатга мойил эканлиқларини сезиб, бундай деган: “Менинг ота-боболарим шариат йўли билан ишлаб келганлар. Мен ҳам шариат йўлидан чиқмайман. Агар бу ишлар келажакка мувофиқ бўлса, хуррият бердим”. Шу сўзлардан кейин у Ёш хиваликларнинг 7 моддадан иборат манифестларига имзо қечқан, қози қалон ва унинг ёрдамчиси бу имзонинг қонуний эканлигини ўз муҳрлари билан тасдиқлаганлар.

Манифестнинг биринчи моддасида бундай сўзлар ёзилган эди: “Тарихи хижрий минг уч юз ўттиз бешинчи жумудул-аввалнинг 25-қуни эрдиким, милодий йилнинг 1917 йил апрель ойининг 5-қуни Мен, Хива хони Саййид Асфандиёр Бақодирхон, тубанда ёзилган ўзимнинг хоҳишимни эълон қиламан. Аввало менинг содиқ фуқароларимга “Идораи маршрутия” бердим, токи улар ўзларини хоҳлаганларича мамлақатни шариатга мувофиқ идора қилсинлар. Қунончи, ўзлари хоҳлаганча фуқароларнинг маслаҳати билан сайлов қилиб, ҳукумат ишларига ўзлари хоҳлаган одил одамларни тайин қилсинлар”3.

Мазкур манифестга қўра, Хива хонлигида шу қундан бошлаб конституцион монархия тузуми қарор топган эди. Асфандиёрхон қарчанд хонлиқ тахтини ўз қўлида саклаб қолган бўлса-да, вужудга қелган янги сиёсий-ижтимоий вазият билан муросаи мадора қилишни истамади. У сайлов йўли билан ташкил топган депутатлар Мажлиси райси Бобоохун Салимов ва бошқа Ёш хиваликларга қарши фитна уюштирди ва Нозирлар қенгаши райси Жуманиёз Матмуродов бошчилигида Ёш хиваликларнинг 14 вақилини қамолка олди. Қамолка олинган жадиқларнинг бир қисми қочишга муваффақ бўлди, қолганлари эса отиб ташланди.. Б.Салимовни қўлга тушира олмаган Асфандиёрхон унинг синглиси Уллиқонбийни тутиб олиб, қийнаб ўлдирди.

Афсуски, ихтиёримизда маъжуд бўлган ҳужжат ва хотираларда Худойберган Девононнинг Хоразм инқилоби воқеаларидаги иштирокига доир бирор ҳужжат ёки маълумот учрамайди. Шунинг учун ҳам биз унинг “Бобожон Ёқубов, Отажон ва бир неча биродарлар билан” Тошқентга қочиб қелишининг асосли сабабларини қўрсатишга

ожизмиз.

Асфандиёрхон душманларини кириб ташлаш хисобига ўз мавқеини саклаб қолишга қанчалик уринмасин, унинг тақдири ҳал қилинган, умр дафтарининг энг сўнги саҳифаси очилган, Хоразм хонлигининг тарихи ҳам тугаётган, бинобарин, Хоразмнинг XX асрдаги янги тарихи бошланаётган эди. Буни сезган Ёш хиваликлар 1918 йил 30 сентябрда Асфандиёрхон ўз саройида ўлдирилганидан сўнг яна ўз қучларини йигиб олдилар.

“Ифандиёрхон, - деб давом эттиради таржимаи холини Х.Девонов, - ёвмутлар томонидан ўлдирилиб, унинг ўрнига Сайид Абдулла хон тикланди. Шу вақтларда шўъбамизнинг Тўртқўл бўлими билан муносабатимиз яхшиланди. Тошкент томонга қочиб кетган йўлдошларимиз бир қанчалли аскарлар билан қайтиб келдилар (1919 йилнинг охири эди) ва Хивани қўлга олдилар. Бу ишларга иштироким юзасидан материалларим бордир. (Бу материалларим сизга берилган делода бор.)»³

Хужжатлар сўзлайди

Ўтган асрнинг 20-йиллари ўрталаридан бошлаб маориф ва маданият соҳасида фидокорона хизмат қилган кишилар давлат нафақалари билан таъминлана бошлаган. Худойберган Девонов эл-юрт эътиборини қозонган шундай ҳурматли кишилар тоифасидан бўлганлиги туфайли Хоразм округ Ижроия Қўмитаси хайъати уни республика микёсидаги нафақага тавсия этган. Х.Девонов шу шарофатли воқеа муносабат билан 1936 йилнинг баҳор ойларида ўзининг фаолиятига доир ҳужжат ва маълумотномаларни, шунингдек, айрим замондошларининг хотира-гувоҳномаларини тўплаб, июнь ойида Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети раиси Файзулла Ҳўжаевга ариза билан мурожаат этган. Юқорида тилга олинган ва айрим лавҳалари келтирилган Х.Девоновнинг таржимаи холи ва бошқа ҳужжатлар ана шу “дело”да ҳозир ҳам сақланиб келади..

Мазкур “дело”дан ўрин олган ҳужжатлардан бири Ёш хиваликлар ҳаракатининг фаолларидан бири Полвон хожи томонидан имзоланган қуйидаги маълумотномадир:

“СПРАВКА

Берилди ушбу справка ўрток Худойберган Девоновга.

Ушбу ўрток Ёш хиваликларнинг махфий инқилобчилар тўдасида бўлиб, 1914 йилдан бошлаб махфий инқилобга хизмат қилиб келди. 1917 йилда Исфандиёр хондан ҳуррият олиб, Мажлис ташкил қил(ин)ганда Мажлисга хақиқий аъзо бўлиб сайланди. 1920 йилда Хоразмда 1-қурултой томонидан госконтрол бўлиб сайланди. Ушбу йилда манатни давир¹да мудир бўлиб ишлаб келди.

1921 йил хорижий нозари² бўлиб сайланди, ушбу йилда молия нозари бўлиб (ҳам) сайланди. 1923 йилда Масковга виставка вакили бўлиб сайланиб келди. 1924 йили

Московдан кайтиб келиб, техникумЗсига фотограф(ия) муаллими бўлиб сайланиб хизмат килди. Ушбу йилларда маориф хузурида фотограф(ия) очиб, ишлаб турмоқдадир.

Собик Ёш хивалиларнинг инкилоб
қўмитасинда ҳукумат пенсиясини

(Полвон хожи).”4.

Агар Ёш хиваликлар ҳаракатининг раҳбарларидан бири Полвон хожи Х.Девоновнинг “махфий инкилоб”га хизмат кила бошлаган вақтини 1914 йил деб қайд этган бўлса, унинг, яъни Х.Девоновнинг ўзи “инкилобий ишлар”га 1915 йилдан кейин аралашганини айтган. Шу маълумот Бобожон Ёкубовнинг “справка” тарзида ёзилган гувоҳномасида ҳам қарийб айнан такрорланган ва қуйидагича тафсилот билан бойитилган.

“Ушбу справка бериладир биродар Худойберган Девоновга шунинг учунки, 1916 йилда Хивада бир неча йиллардан буён эзилиб келаётган камбағал халқни золим мустабид хонлар зулмидан қутқармоқ учун қилган бизларни махфий мажлисларимизга 1-ҳақиқий аъзо бўлиб, шул жамиятимиз аксари вақтда ушбу Девоновнинг жойида бўлур эди. Шунинг билан бирликда бизларнинг бир неча биродарларимиз хон тарафидан ўлдирилиб, бир нечаларини(нг) Тошкентга кетувимизга қадар мажлиси махфусанга аъзо бўлиб ишлашиб турди. Сўнгра бизлар Тошкентга қочиб бориб, (Х.Девонов) инкилоб қўмитаси ташкил қилиб ишлаб турган вақтда ҳам Хивада махфий ишлаб, бизларга Хива ахволини билдириб турди. Тўртқўлда инкилоб (қўмитасининг) шўъбаси очилган вақтларда ҳам Хивада ишлаб, бизларни Тўртқўл шўъбамизга махфий хат юбориб ва ҳам хат олиб турди. Инкилоб Хивада барпо бўлганидан буён ишлаб келмақдадир”.

Мазкур “дело” тайёрланган вақтда Бобожон Ёкубовнинг қўзи ожиз бўлиб қолганлиги сабабли “справка” унинг оғзидан шаҳар советининг қотибаси томонидан ёзиб олинган.. Ҳам Х.Девоновнинг, ҳам замондошларининг мазкур маълумотлари шундан далолат берадики, у Ёш хиваликлар ҳаракати вужудга келгандан кейин тахминан 1915-1916 йиллардан бошлаб шу ҳаракатда иштирок эта бошлаган Х.Девонов Ёш хиваликларга руҳан яқин бўлганлиги туфайли Асфандиёрхон уни ўзидан четлаштириб, саройга бошқа фотографни жалб этган ва, ўз навбатида, хоннинг маиший бузуклиги ва золимлигини қўрган Х.Девонов ҳам ундан узоқлашиб, Ёш хиваликлар сафида ўзига маслақдош кишиларни топган бўлиши эҳтимолдан холи эмас..

Хуллас, тарихга “Хоразм инкилоби” атамаси билан қирган воқеа Ёш хиваликлар томонидан (большевиклар ёрдамида) амалга оширилгани сабабли улар халқ вакиллариининг 1-Умумхоразм қурултойида Хоразм Халқ Шўро Республикаси тузилганини эълон қилдилар ва нозирлик “портфел”ларидан бирини хонга қарши “инкилобий ҳаракатлар”да иштирок этган Худойберган Девоновга берадилар. У янги тузилган ҳукуматда Давлат назорати нозири ва қимматли қозғалар қорхонаси раҳбари лавозимларида хизмат қила бошлайди.

Эркин Мадрахимовнинг ёзишича, Худойберган Девонов нозирликни ҳам, қозғ қорхонасига раҳбарлик қилишни ҳам дастлабки қўнлардан бошлаб бинойидек эплаб кетади. Муассаса, ташкилот ва қорхоналар иши устидан илк қўнларданок қатъий давлат назорати ўрнатади. Х.Девонов раҳбарлик қилган қозғ қорхонаси эса қўррият туфайли воҳада қика бошлаган “Инкилоб қўёши”, “Хоразм хабарлари”, “Роста”, “Ишчи товуши”, “Известия” (РСФСРнинг Қавқуллодда вақолатхонаси нашри), “Қоследние вестии” синқари қазеталарни, “Қизил Қоразм”, “Қопқон”, “Қунармандлар қўқичи” (болқаси) синқари қурналларни қозғ билан ўз вақтида таъминлаб туради.

“Худойберган, - деб ёзади у, - нозирлик ва коғоз корхонасидаги юмушларни эринмай, кўнгилдагидек саранжом-саришта киларди-ю, шаҳарнинг бирон ерида – қайси бир корхона ё муассасада, ташкилот ва нозирликда бирон-бир йигилишми, анжуманми ўтказилгудай бўлса, Полвон билан бирга аппаратларни кўлтиклашганча ўша ёкка фаэтон суриб қолишарди”¹.

Шундай қилиб, Х.Девонов хонлик тузуми ағдарилгандан сўнг Хоразм воҳасида янги ижтимоий тузум барпо этилган кундан бошлаб, ҳам ҳукумат аъзоси, ҳам фотограф ва кинооператор сифатида кизгин фаолият олиб борди. Давр унинг олдига янги-янги вазифалар қўйди ва у давр даъватларига “лаббай” деб жавоб беришга одатланди. “1920 йилда тузилган вақтли ҳукумат, - деб ёзади у таржимаи ҳолида, - мени ташвиқот-тарғибот шўъбасига тайинлади. Шу вазифада ишладим. Хивада етим болалар мактаби очиш ва уларга иона тўплаш иши менга топширилди. 30 мартабалаб кино томошалари ташкил қилиб, ўзим ва ўғлим билан бирликда бу томошалардан тушган пулларни етимлар фойдасига харжладим.

1921 йил бошида мени коғоз пул босатурган корхонага тайинладилар.

1922 йилда хорижий ишлар комиссари бўлиб, аксилинкилобчи Ота Махсум ҳукумат тепасидан туширилгандан кейин молия комиссарлигига тайинландим. 23-йил Масковда очилган Кишлоқ хўжалик виставкасига Хоразм бўлимини уюштириш учун юборилдим....”¹ Бу сўнгги воқеа 1922 йилнинг июль ойида бўй берди. Халқ вакилларининг шу йил ёз ойида бўлиб ўтган III курултойида Х.Девонов молия нозири этиб тайинланди. Бу биз учун қутилмаган қарордан шундай ҳулосага келиш мумкинки, Х.Девоновнинг давлат назорати нозири, ташвиқот ва тарғибот шўъбаси раиси сифатида, етим болалар мактабини ташкил этиш ва уни моддий таъминлаш соҳасида олиб борган ишлари ҳукумат раҳбарларига ҳам, эл-юртга ҳам манзур бўлган.

Шубҳасиз, ёш Хоразм республикаси учун мураккаб бир даврда ота-онасиз қолган етим болалар учун ўқув юртини ташкил этиш, уни асбоб-анжом, ўтин-кўмир, болаларни эса қийим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминлаш осон бўлмаган. Х.Девонов аҳолидан пул йиғиш йўли билан эмас, балки тадбиркорликнинг ажойиб намунасини кўрсатиб, ўғли билан бирга хужжатли ва бадиий фильмларни намойиш этган ҳамда шундай киносеанслардан тушган маблағ ҳисобига етим болалар учун мактаб ташкил қилган. Ўз меҳнати билан ҳалол пул топиб, эл-юртнинг оғир қунига яраган кишининг молия нозири этиб тайинланиши шунинг учун ҳам тасодифий ҳол эмас эди.

Замондошларнинг гувоҳлик беришларича, Х.Девонов молия нозири лавозимида хизмат қила бошлаган дастлабки кунларда Хоразмда танга пулларни чиқариш масаласини ўртага ташлайди. Марказий Ижроия Кўмитанинг янги раиси Янгибой Муродов ҳали бирор шўро республикасида танга пуллар чиқарилмаганини айтиб, бу таклифни рад этмокчи бўлганида, у ўз таклифининг тўғрилигини асослаб, бундай дейди:

- Тўғри айтасиз, бошқа шўро республикаларида ҳали танга пуллар чиқарилмаган. Аммо агар мамлакат бой бўлмокчи бўлса, танга пуллар ҳам чиқариб, ўзини ҳам, халқни ҳам ҳар бир тийинни қадрлашга ўргатиши лозим. Тежалган 1 тийин 1 сўмни, тежалган 1 сўм эса 10 сўмни олиб келади. Агар биз биринчи бўлиб танга пулни чиқара бошласак, бошқа республикалар ҳам бизга эргашишга мажбур бўлишади. Биз, Худо хоҳласа, тарихда бу хайрли ишнинг ташаббусқори бўлиб қоламиз.

Шу бахсдан кейин кўп ўтмай, Хоразм республикасининг мато ва коғозга босилган пуллари билан бирга “ХХСР” – “ХНСР” тамгаси босилган танга-чака пуллари ҳам зарб этила бошлади.

20-йилларнинг бошларида Хоразм республикасининг рахбар лавозимларига сайланган аксар кишилар ёмгирдан кутулиб, корга тутилаётганиларини жуда яхши билишган. Шунинг учун улар кўшни Афғонистон, Бухоро ва бошқа давлатлар билан мустахкам алоқа ўрнатиш, большевикларнинг доимий тазйикларига чап бериш, миллий-маданий бойликларнинг ташиб кетилишига йўл қўймаслик чораларини ахтардилар. Уларнинг бундай хатти-харакатлари Москванинг Хоразмдаги вакиллари томонидан аксилинкилобчилик сифатида баҳоланиб, кўплаб рахбарлар “Хоразм халкининг душманлари” деган айб билан камокка олинди.

Ўлкада шундай нохуш вазият ҳукмронлик қилаётганига карамай, ёш шўро давлати 5 йил ичида эришган ютуқларини жаҳон афкор оммасига кўз-кўз қилиш мақсадида Москвада Бутуниттифок кишлок хўжалик ютуқлари кўргазмасини ташкил этишга қарор қилади. Хоразмга мазкур кўргазмада сўнгги 3 йил ичида эришган ютуқларини намойиш қилиш имконияти берилган эди. Шу муносабат билан Х.Девонов хизмат вазифасидан озод этилмаган ҳолда кўргазмага тайёргарлик ишларини олиб боровчи Хоразм кўмитасига дастлаб аъзо, кейин эса раис ўринбосари этиб тайинланади. У мазкур вазифада хизмат қилар экан, жаҳон илм-фани ва маданияти тараққиётига катта ҳисса қўшган Хоразмнинг Кишлоқ хўжалик кўргазмаси павильонларида ҳам муносиб иштирок этишини таъминлашга уринди. Кўргазма очилиши арафасида Москвага етиб келган хоразмлик санъаткорлар ўзларининг жўшқин рақс ва ашулалари билан зиёратчиларнинг кўхна мамлакатнинг нафакат кишлок хўжалиги, балки маданияти ҳақидаги тасаввурларининг ҳам бой ва гўзал бўлишига катта ҳисса қўшдилар. Х.Девонов кўргазманинг муваффақиятли ўтишидаги самарали хизматлари учун Хоразм республиканинг “Меҳнат” ордени билан тақдирланди.

Эндигина 5 йиллиги нишонланаётган шўро давлати рахбарлари маккорлик мактабини ўтган, унча-мунча кўзбўямачиларни доғда қолдирувчи қимсалар эди. Улар “ташаббус”и ва кўрсатмаси билан Туркистон Марказий Ижроия Кўмитасининг 1924 йил 16 сентябрда бўлиб ўтган сессияси чегараланиш тўғрисида қарор қабул қилади. Шу қарорга мувофиқ “ўзбек халқига Туркистон Автоном Совет Республикаси таркибидан чиқиш ва мустақил Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасини тузиш ҳуқуқи” берилади. Ўша йилнинг 30 сентябрида Советларнинг V Умумбухоро қурултойи бўлиб ўтади. Қурултойда Файзулла Хўжаевнинг “Ўрта Осиёнинг миллий белги бўйича чегараланиши тўғрисида”ги маърузаси юзасидан қарор қабул қилинган. Мазкур қарорга бундай модда ҳам киритилган эди: “I...г) аввалги буюқ ўзбек маданиятини тиклаш мақсадида Туркистон Бухоро ва Хоразмнинг ўзбек аҳолиси таркибидан Буюқ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил этилсин, бу вилоятда яшовчи тожиклардан Тожикистон автоном вилояти ташкил этилсин”. Мазкур қарор Туркистон ҳудудларидан четда тайёрланганлиги сабабли унинг V моддасида маҳаллий халқнинг “хохиш”ини “ифодаловчи” яна бундай сўзлар ёзилган эди: “Ўзбекистон ва Туркменистон республикаларининг Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи таркибига кириши зарур, деб ҳисоблансин”. 1925 йил 13 февралда Бухоро шаҳрида ЎзССР Советларининг I қурултойи очилади ва қурултой 17 февралда “Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ташкил топиши тўғрисидаги декларация”ни қабул қилади. 1925 йил 13 майда ССР Иттифоқи Советларининг III қурултойи Туркменистон ва Ўзбекистон республикалари “халқларининг эркин хохиши”ни инобатга олиб, бу республикаларни СССР таркибига киритади. Х.Девонов Хоразм республикаси 1924 йилда Ўзбекистон Республикаси таркибига киритилгунга қадар молия нозири бўлиб, сўнгга 1926 йилга қадар Хоразм округи молия

бўлими бошлиги бўлиб эл-юрт манфаати йўлида халол хизмат килади.

Ижодий фаолият майдонлари

Хоразмнинг Ўзбекистон таркибига кўшилиши Худойберган Девоновнинг хаёти ва ижодий фаолиятида янги даврни бошлаб берди. Хар бир ижодкор давлат ва жамоат арбоби сифатида қандай фидойилик билан ишлаб, эл-юрт эътиборини қозонган бўлмасин, у асосан ижод оламидаги хизматлари билан тарихда қолади. Алишер Навоий вазир сифатида Хуросоннинг ХҲ асрдаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида қанчалик улкан ишларни амалга оширган бўлмасин, у давлат арбоби сифатида эмас, балки буюк шоир ва мутафаккир сифатида эъзозланиб келади. Биз, авлодлар, учун Байроннинг грек халқининг миллий озодлик учун олиб борган курашидаги иштироки эмас, балки жаҳон шеъриятининг заволи билмас дурдоналарини яратганлиги муҳим. Рус халқи Грибоедовни “мухтор вазир” сифатида жабуру жафо чекканини эмас, балки “Ақллилик балоси” трагедиясини ёзиб қолдирганини ёддан чиқармайди...

Аммо ҳамма гап шундаки, аксар ижодкорлар қамтарин инсонлар қавмига мансуб бўлганлари туфайли ўзларини қаланд тутмайдилар ва ҳаттоки атоқли шоир, ё артист, ёки расмчи эканликларини пеш қилиб яшамайдилар.

Қим қилади, балки Хоразм республика сифатида яшашда қавом этганида Х.Девоновнинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти қавом этган бўлармиди... Аммо шу нарса муҳимки, у қолия нозир “портфел”ини топширганидан сўнг давлат идораларида хизмат қилишдан қўра ўз қунарини ёшларга ўргатишни афзал қилиб, таълим ва тарбия техникумида ўқувчиларга фото муаллими сифатида қарс бера бошлади. Шу қилан бирга бошқа мактабларнинг ўқувчилари ҳам ундан фотография сирларини ўргандилар. Унинг ташаббуси қилан, бошқа қилоятлардан фарқли ўларок, Хоразм мактабларида фотография фан сифатида ўқитила ва ўргатила бошлади. Шунинг натижаси ўларок шу йилларда Хоразмда истеъдодли ёш фотографлар авлоди етишиб қикди.

ХХ аср бошларида Хоразм қонларининг Россия шақарларига қилган сафарлари вақтида Х.Девонов шу тарихий воқеани факат фотограф сифатидагина эмас, балки кинооператор сифатида ҳам қинотасмаларга муҳрлаган эди. У кейинчалик Қивадаги меъморий ёдгорликларни, Хоразмда нишонланган миллий байрам ва сайил қонларини, “Хоразм инқилоби” сингари тарихий воқеаларни ҳам суратга олди. Аммо Хоразм Халқ Республикасининг мажбурий равишда шўро республикаларидан бирига айланиси, собик Ёш қиваликларнинг ҳуқумат таркибидан қикарилиб, қамокка олиниши ёки таъқиб қилиниши ундаги “инқилобий-романтик” қайфиятнинг сўнишига олиб қелди. У шу йилларда кинооператорлик қасби қилан шугулланишга ўзида моддий ва маънавий қуч топа олмади. Х.Девонов энди фотография муаллими сифатидагина турмуш қечира бошлади. Леқин...

Леқин ақа-уқа Люмьерлар томонидан 1895 йил 28 декабрда Парижда нақойиш этилган “қонли қартиналар” - синематограф йил сайин эмас, балки қун сайин ўсиб, вояга етиб

бормокда эди. Шу воқеадан кейин кўп ўтмай, киска хажмли “манзарали фильмлар” суратга олина бошлади. Хужжатли кинематографнинг бу дастлабки кўринишларидан бири 1907 йилда Россияга ҳам кириб келди. Х.Девонов шу йили Россиядан олиб келган “Pathe Freres” кинокамераси билан ҳам дастлабки киска хажмли ўзбек репортаж-фильмларини, манзарали фильмларни суратга олди. Бу, ўзбек маданияти тарихида техник тараққиётга асосланган янги санъатнинг тугилиши эди.

Санъат шундай гаройиб соҳаки, уни кашф этган ёки Х.Девонов сингари янги миллий заминга олиб кирган кишининг ҳаёти кейинчалик қандай кечмасин, ривожланишда давом этаверади. Х.Девонов “инкилобий-ижтимоий ишлар” билан банд бўлган йилларда синематограф ўсишда давом этди

Туркистонда биринчи кино “асар”и 1897 йилда намойиш қилинган. Бундай кино намойишлари асосан ўлканинг йирик шаҳарларида четдан келган тадбиркорлар томонидан амалга оширилган. Шундай кино намойишлари XX асрнинг дастлабки йилларида Тошкентнинг Эски шаҳарида ҳам ташкил этилиб, янги санъат тури секин-аста мусулмон аҳоли ҳаётига кириб кела бошлайди.

Кино санъатининг шаклланиш жараёнида унинг кинотрюклар билан томошабинлар оғзини ланг очиб кўювчи, уларга хордик ва фарогат бағишловчи санъат туригина эмас, балки муҳим маданий-маърифий ва гоёвий тарбия воситаси эканлиги ҳам равшан бўлади. Большевиклар 1924 йилга қадар нафакат йирик шаҳарлар, балки олис қишлоқларда ҳам фильмларни бепул намойиш этиб, ўз гоёларини тарғиб қилишга қатта эътибор бердилар. 1919 йилнинг ўрталарида улар ташаббуси билан Туркстон Маориф халқ комиссарлиги қошида махсус Кинофотобўлим ташкил этилади. 1923 йили эса мазкур бўлим заминида Туркистон давлат киноси (Туркгоскино) ташкилоти тузилади. Бу ташкилот РСФСР Давлат киносининг республика бўлими бўлиб, унга қарашли кинотеатрларда илмий-оммабоп ва тарғибот-ташвиқот йўналишидаги хужжатли фильмлар билан бирга бадиий фильмлар ҳам намойиш этилади. Шу йилларда РСФСР Давлат киносининг йўлланмаси билан Туркистонга рус кинематографчилари тез-тез ташриф буюриб, қайта-қайта айтганимиздек, қадимий шаҳарлар ва улардаги тарихий-меъморий обидаларни суратга оладилар. Чунончи, 1925 йилда Амир Темур салтанати пойтахтига келган режиссёр К.Гаврюшкин ва оператор О.Скачко иштирокида киска муддатда “Самарқанд бўйлаб” фильми яратилади ва экранга чиқарилади. Биринчи ўзбек фотографи ва кинооператорининг бу муҳим воқеалардан беҳабар бўлганига ишонмайсан, киши. Бизнингча, у фотография ва кинематография оламларида рўй бераётган ҳар бир янгиликни, бинобарин, Тошкентда ўз фаолиятини бошлаган Туркистон Давлат киноси (1925 йилдан Ўзбек Давлат киноси) нинг ҳар бир қадамини ҳам диққат-эътибор билан кузатиб турган.

Хоразм шўро республикаси Ўзбекистон республикаси таркибига округ мақомида қўшилганидан сўнг, 1925 йил июнь ойида Ўзбек Давлат киносининг Хоразм округ бўлими ташкил этилади. Бу ҳол Худойберган Девонов қалбидаги кинога муҳаббат гулларининг қайта чаман бўлиб очилишига сабаб бўлди. У Ўзбек Давлат киноси билан мустақам алоқа ўрнатиш билан бирга 1926 йилдан бошлаб “Совкино” – Бутуниттифок фотокинематография ташкилоти билан ҳам ҳамкорлик қилди, Москвада чиқиб турган “Союзкиножурнал” учун Ўзбекистон ҳаётидан олинган кинолавҳаларни тез-тез юбориб турди..

“Ўзбек давлат киноси”нинг фото-кино қорхонаси ва унинг Хоразм бўлими ўша йилларда Тошкент шаҳрининг Абдулла Тўқай кўчасидаги 3-уйда (ҳозир Ўзбекистон кўчасидан

Вазирлар Маҳкамасига кираверишдаги хиёбоннинг сўл тарафида) жойлашган эди. Ушбу бўлим вакили Чимиков томонидан 1928 йил 15 майда берилган куйидаги шаходатнома Х.Девоннинг тахминан шу йиллардан бошлаб Ўзбек Давлат киноси буюртмаси билан хужжатли фильмлар ва кинолавҳалар олганидан дарак беради:

“ШАХОДАТНОМА

Ушбунинг кўрсатувчи ўрток Худойберган Девон хакикатдан Ўзбек Госкинонинг Хоразм шўъбасида осор атикалар ва Хоразм округида ҳар хил манзараларни картинага олувчи фоторассом - “оператор” вазифасида турадир.

Шаходатнома муҳр ва имзолар билан тасдиқ этиладир.

Хоразмдаги вакили
Иш бошқарувчи
Аслига тўғри

(Чимиков)
(имзо)
(имзо). ”

Агар биз Чимиковнинг 1926 йил 7 декабрдан бошлаб Х.Девонга йўллаган хатларига назар ташласак, кинооператорнинг шу йилларда Ўзбек Давлат киноси учун Хоразмда бўлиб ўтган қасаба союз ташкилоти курултойининг иш жараёнини, Халқаро ёшлар куни ва 1-май байрамнинг нишонлашини, Хива шахрининг умумий кўринишларини, далани шудгорлаш ва сугориш ишларини, кустарь усулда пилла ишлаб чиқариш-у, кустар тегирмонлар иши ва бошқа нарсаларни суратга олганидан хабар топамиз. Чимиков ва ундан кейин “Хоразм вакили” лавозимига тайинланган А.Н. Ольгин Х.Девонга қайси сюжет учун неча метр плёнкани сарф этиш мумкинлигига белгилаб берганлар. Х.Девон 20-йиллар охири – 30-йиллар аввалида нафакат Ўзбек давлат киноси, балки “Союзкиножурнал”нинг ижодий буюртмаси билан ҳам Хоразм ҳаётига оид бир қатор сюжетларни суратга олди. Киножурнал раҳбарияти томонидан 1929 йил 16 октябрда берилган 260-рақамли гувоҳномадан маълум бўлишича, Х.Девон 1930 йилнинг 1 октябрига қадар журнал топшириги бўйича ҳам, шунингдек, унга берилган йўриқнома асосида ҳам суратга олиши мумкин эди. Х.Девон шу имкониятлардан фойдаланиб, “Союзкиножурнал” учун 1929 йилнинг ўзида “Ишчи аёллар”, “Шўркўл”, “Кўза”, “Чигир”, “Тузкон”, “Дегиш офати”, “Хоразм далаларида”, “Пахта қарвони” сингари хужжатли фильм ва сюжетларни суратга олиб юборди.

Шундай хужжатли кино намуналаридан бири “Шўркўл” фильми Хоразмдаги шифобахш суви билан машҳур бўлган масканга бағишланган. Бу хужжатли фильм Хоразм воҳасининг турли жойларидан шифоталаб кишиларнинг пиёда ёки араваларда келишлари тасвири билан бошланган. Табиат яратган шу ажойиб масканга ҳаста бўлиб келган юзлаб кишиларнинг шу ерда даво топиб, уйларига сихат-саломатликларини тиклаб кетишлари тасвирланган фильм томошабинларда қатта қизиқиш уйғотди. Х.Девон шу фильми билан нафакат муҳим ҳаётий материални танлаш, балки шу материални томошабинга юксак бадиий шаклда етказиш саноатини ҳам эгаллаганини намойиш этди. “Бу фильмда, - деб ёзган эди “Ўзбекистон маданияти” газетаси, - Х.Девоннинг кинооператорлик саноатини тўла-тўқис ўзлаштириб олганлиги яққол сезилиб турибди. Мана шу жажжи фильм Х.Девоннинг маҳорати ошиб бораётганлигини, у мураккаб техник воситалардан, масалан, панорамали съёмкани, йирик пландан фойдаланишни, шунингдек, ҳаракатда бўлган ишларни суратга олишни

ўргана бошлаганидан дарак беради”¹.

Собик иттифокнинг барча кинотеатрларида бадий фильмлардан аввал намоиш этилган шундай хужжатли фильм ва сюжетлар ўша йиллардаги Хоразмнинг ижтимоий, иктисодий, маданий ва маиший ҳаёти тўғрисида муайян тасаввур берган. Хатто “Союзкиножурнал” раҳбарларидан Х.Девоновга келган хатдан маълум бўлишича, унинг “Ишчи аёллар” ва “Шўркўл” фильмлари москвалик кинотанкидчилар томонидан юкори баҳоланган.

Афсуски, “Союзкиножурнал” буюртмаси билан суратга олинган Х.Девоновнинг бу фильм ва сюжетлари Москванинг Красногорск шаҳарчасидаги киноархивда сақланаётганлиги сабабли уларни республика кинотеатрлари ва телевидениеси экранларида кўриш имкониятига эга эмасмиз. Шунинг учун бу асарлар ҳақида тахлилий фикрларни баён қилишни истиклол йилларида тугилаётган киношуносларга қолдирамиз. Аммо бизга шу нарса маълумки, мазкур архивда 1926-1938 йилларда олинган Ўзбекистон ҳаётига оид талайгина сюжетлар мавжуд. Масалан, шундай сюжетлардан бири ҳақида марҳум киношунос олим Борий Хасанов бундай маълумот берган эди: “Союзкиножурнал”нинг 1929 йил 30 (218)-сонида ҳам республика ҳаётидан олинган сюжетни учратиш мумкин. (Буни ҳам Х.Девонов юборган бўлса ажабмас.) Бу сюжетда агрономлар ва дехконларнинг табиий офатга қарши кескин курашлари тасвирланади, кураш йўллари ва усуллари баён этилади”¹.

Х.Акбаров ва Б.Хасанов сингари киношунос олимлардан ташқари, Х.Девоновнинг жияни Абдулла Юсупов ҳам тоғасининг ижодий меросини тўплаш ва ўрганиш бўйича муҳим ишларни олиб борган. У бундан бир неча йил илгари Красногорск шаҳридаги Марказий давлат кино-фото-фономатериаллар архивда ишлаб, Хоразм ҳаётига оид, бинобарин, Х.Девоновнинг муаллифлиги тахмин қилинган кинолавҳаларни кунт билан ўрганган.

Чунончи, у мазкур архивда 1936 йилда суратга олинган “Москва – Қорақум – Москва” хужжатли фильмини кўрган. Бу фильмда Москвадан Қорақум орқали Хоразмга етиб келган бир экспедиция тарихи тасвир этилган бўлиб, унда, Абдулла Юсуповнинг айтишига қараганда, Х.Девонов томонидан суратга олинган кадрлар ҳам бўлган.

Афсуски, биз бу фикрнинг тўғрилигини тасдиқлаш ёки нотўғрилигини асослаш имкониятига эга эмасмиз. Ҳар ҳолда шу нарса аёнки, Х.Девонов ижодий меросига оид фотосурат ва кинотасмаларни келажакда Москва ва бошқа шаҳарлардаги архивлардан топиш истикболи йўқ эмас.

Шу нарса қувонарлики, зикр этилган даврда Х.Девоновнинг ёлғиз ўзигина эмас, балки шогирдлари ҳам қатор хужжатли фильм ва кинолавҳаларни суратга олишган. Улар ижодига мансуб “Бўз тўқиш”, “Кизил Армия”, “Хивада халқ шодиёналари”, “Сув йўлларини тозалаш”, “Пахта терими”, “Биринчи трактор”, “Хоразм пионерлари”, “Қурбон Бегин”, “Шахзода” каби фильмларнинг номланишиданок мавзунинг танланиши ва суратга олинишида устознинг уларга бадий раҳбар сифатида ёрдам бергани сезилиб туради. Ижодий фаолиятини фотограф сифатида бошлаган Х.Девоновнинг мамлакат ва халқ ҳаётида рўй бераётган муҳим ўзгаришларга бефарқ қараб туриши, уларни фотосурат сифатида муҳраб қолтирмаслиги амри маҳол эди. У айна пайтда “Ўзбекистонская правда” (ҳозирги “Правда Востока”), “Кизил Ўзбекистон” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”) ва “Инқилоб қуёши” сингари нашрларнинг фотомуҳбири сифатида ҳам жонбозлик кўрсатди. Агар биз мазкур газеталарнинг 20-йиллар охири – 30-йиллар аввалидаги сонларини қарақлаш имкониятига эга бўлсак, унинг шу йилларда мамлакатимизнинг қарийб барча шаҳар ва қишлоқларига, барча қириқларга бориб, “янги ҳаёт”ни барпо этиш орзуси

билан яшаган халк ҳаётининг фотойилномасини яратганига ишонч ҳосил қиламиз “Ўзбек фотографияси. 125 йил” фотоальбомининг 1-жилдини (Тошкент, 2005) вараклаган киши Х.Девоновнинг “Дала ишлари”, “Дорвозлар”, “Кўш дарвоза”, “Миноранинг кайтиши”, “Кўзалар”, “Халк чолгу асбоблари ансамбли”, “Хоразмлик аёл”, “Хоразмлик овчи” сингари сурат ва этюдлари билан танишади. Х.Девонов бу суратларда умумий режадан ҳам, йирик режадан ҳам катта маҳорат билан фойдаланган, йирик режадаги асарларида қаҳрамоннинг ҳам ижтимоий кийфасини, ҳам рухий оламини очишга, умумий режадаги асарларда эса халкнинг қаҳрамонона меҳнати ва санъатини кўрсатишга интиланган санъаткор сифатида гавдаланади. У фототехника ҳали етарли даражада ривожланмаган даврда умумхалк қурилишлари ва сайилларни шундай суратга олган ва шундай фотоэтюдлар яратганки, муаллифнинг нур ва соядан асосий бўёқ сифатида юксак маҳорат билан фойдаланганлиги аён бўлиб туради.

“ЖаннатМакон” журналининг Комил Нуржонов мақоласи эълон қилинган 2008 йил 10-сонида Х.Девоновнинг бир канча фотосуратлари илк бор журналхонлар эътиборига ҳавола қилинган. Бу суратлар орасида “Х.Девонов Ёш хиваликлар даврасида”, “Ёг сотувчилар”, “Суратхонада расмга тушиш пайти”, “Хива аэродроми”, “Мухаммад Раҳимхон II”, “Эркак портрети” сингари суратлар мавжуд бўлиб, уларда муаллифнинг нафакат фотообъективдан юксак бадиий мақсад йўлида фойдаланиш маҳорати, балки тарихий даврни ўзига ҳос бетакрор қолорити билан ифодалаш санъати ҳам балкиб кўринади “Х.Девонов фотосуратларини томоша қилар экансиз, - деб ёзади Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Турсунали Қўзиев, - бу ажойиб расмга ҳос бўлган бадиий тафаккурнинг тарихийлигига ҳайрон қоласиз. У келажак авлод олдидagi масъулиятини, халк ва замонасининг вакили сифатидаги.. вазифасини чуқур англаб етган эди. Сурат тушириш учун сюжет танлар экан, у объективни абадий қадриятлар муҳрини ўзида яққол мужассам этган сюжетларга – миноралар, масжидлар, тарихий обидаларга йўналтиради. Инсонларни суратга туширар экан, у этнографик ёндашишни бадиий ёндашиш билан мувофиқлаштиришга интилади – ҳар бир персонаж у ёки бу турни ифодалайди, ўзини қайтарилмас шахс сифатида намойиш этади”¹.

Хоразм вилоятида раҳбарлик лавозимини эгаллаган кишиларнинг ташаббуси билан, юқорида айтиб ўтганимиздек, Урганчдаги мактаб ва техникумларга фотография “фан”и киритилган ва бу “фан”ни ўтиш Х.Девонига топширилган эди. Х.Девонов умрининг сўнгги кунларига қадар ўз зиммасига топширилган шу вазифани шараф билан бажариб, ўндан зиёд малакали фотографларнинг етишиб чиқишига қалб кўрини бағишлади. “Ер юзи” журнали 1926 йилдаги сонларидан бирида эълон қилинган “Ўзбек фотографчиси” деган мақолада у тарбиялаб етиштираётган шогирдлар тўғрисида бундай самимий сўзларни ёзган эди: “Девонов ёш хаваскорларни етиштириш борасида ҳам кўп иш қилди. Хивалик ёш йигитни шогирдликка олиб, уни яхши фотографчи қилиб етиштирди, шунингдек, яна бир йигитни ҳам фотографчиликка ўргатди. Бу йигит ҳам моҳир фотограф бўлиб етишди. Девонов 1924 йилда Хивадаги таълим-тарбия тезникумида фото бўлимини очди. Бунда ўз аппарати, ўз билими билан 13 болани фотографчилик ишига ўргатди”¹.

1932 йилда Хива район халқ маориф бўлими мудири Ризаев имзолаган шаходатномада қайд қилинишича, Худойберган Девонов ўзининг 32 йиллик хизмати мобайнида чинакам фото-кино ходими деган унвонга муносиб кишиларни етиштириб берган. “Девонов, - деб ёзилган унда, - Хоразмда энг катта аҳамиятга эга фото-кино илмини ривожлантириш, айниқса, бу майдонда турли монеликларга қарамасдан, олдимизда турган экин

маъракаларида, тарихий, инкилобий воқеаларда кучи етганча ташаббус кўрсатди ва кўрсатмакда". Яна шу ҳужжатдан маълум бўлишича, у шу йилларда Хива район фото бўлими мудири бўлиб ҳам ишлаган.

1936 йил 25 июль куни республика Халк Комиссарлари Совети раиси Файзулла Хўжаев Худойберган Девоновга 500 сўм микдорида шахсий нафака белгилаш ҳақидаги қарорга имзо чекади.

Хоразм округ Ижроия Кўмитаси Х.Девоновга нафака белгилиш масаласида республика ҳукумати раҳбарига мурожаат этгунига қадар қанчадан-қанча маълумотнома ва шаходатномалар тўпламаган. Шундай маълумотномаларнинг энг мўътабари, бизнингча, округ маориф бўлими мудири Раҳмонов томонидан имзоланган ва Хоразм округи Ижроия Кўмитаси хайъатига юборилган хатдир. Хат муаллифи Х.Девоновнинг Хоразм округи меҳнатқашлари олдидagi қатта хизматларини алоҳида қайд этиб, жумладан, бундай ёзган эди:

"Худойберган Девонов ўзининг 35 йиллик фото ишлари соҳасида хормай-толмай ишлаш билан (бирга) Хоразм оазисида санойи нафиса ишини(нг) бошланиши ва бу ишга негиз солиш билан санойи нафиса тарихида (Хоразмда) биринчи ўринни олишга ҳақлидир. Нафис санъатнинг ўсишига энг қаттиқ душман бўлган диний ҳурофотларнинг энг қуч олган ҳужум ва танбеҳларга қарамай, ишини тараккий қилдира бериши, бунинг натижасида Хоразм тарихи учун энг қимматли расмлар олиниб, тарих учун жуда қўп материаллар йигнаб бериши жихатидан (қараганда) Девоновнинг тарих фани соҳасида ҳам қатта хизматлари бор. Девонов хонлар даврида эски урф-одат, турмуш, қишлоқ ҳўжалиги, Хоразмнинг инкилоб тарихи, инкилобдан сўнгги ўсишларига доир... қўп қимматли материаллар берди ва бермакда".

Бу сўзларда Х.Девоновнинг нафакат Хоразм, балки умумўзбек маданияти тараккийётига қўшган ҳиссаси ҳам тўғри талқин қилинган.

Озодликнинг сўнгги кунлари

Меҳнат ва машаққат огушида ўтган умрининг сўнгги йилларида Худойберган Девоновга давлат микёсидаги нафаканинг тайинланиши унинг – ўзбек халқи тарихида фотография ва кинематография тамал тошини қўйган, машҳур қишининг эл-юрт ўртасида қадрлана бошлаганининг муждаси эди. Тахмин қилиш мумкинки, у аввало ҳудди шу нарсадан гоёт мамнун, уни алқаган давлатдан эса беҳад миннатдор бўлиб, янада завқ билан, янги-янги ижодий режаларини рўёбга чиқариш учун янги қуч ва янги илҳом билан ишлашга қиришди.

У ҳаётининг турли паллаларида нафакат хонлар ва уларнинг ақру ҳешлари, билки Оғахий, Қомил Хоразмий, Аваз Ўтар сингари шоирлар билан ҳам мулоқотда бўлган ва мулоқотлари таъсирида, қитобсеварлиги натижасида унча-мунча газал ҳам машқ қилган. Қамондошлар унинг хотин-қизлар озодлиги мавзуида битилган:

Келди кизлар байрами, чимматдин озод айлади,
Инкилоб нури улар кўнгилларни шод айлади -

байти билан бошланган газалини хали ҳам айтиб юришади. Ким билади, балки у хаётининг ўша хушнуд кунларида яна кўнгил розларини шундай газаллар оркали ифодалагандир...

Аммо унинг хурсандчилиги узокка бормади. У хали 300 сўмлик нафака гаштини туйиб улгурмай, 37-йил конли этиклари билан қарийб ҳар бир хонадонга бостириб кирди. Х.Девонов ўзига нафака берила бошлаган кун билан озодликдаги сўнгги куни орасида нима билан шугулланди? Кимларнинг суратларини тарих учун муҳраб қолдирди? Мамлакатда, шу жумладан, Хоразмда рўй берган ва рўй бераётган қайси воқеаларни кинотасмаларга туширди?.. Афсуски, биз бундай саволларга жавоб бера олмаيمиз. Балки келажакда Красногорск шаҳридаги архивда ишлаш, “Инкилоб қўёши”, “Кизил Ўзбекистон”, “Правда Востока” сингари газеталарнинг тўла таҳламларини топиб ўрганиш натижасида бундай саволларга жавоб топиш имконият пайдо бўлар... Агар Х.Девонוני нафакага тавсия этиш учун тўпланган ҳужжатларга яна бир бор назар ташласак, улар орасида шундай ҳужжатларни кўрамизки, бу ҳужжатлардан яқинлашиб келаятган 37-йилнинг совук нафаси эсиб тургандек бўлади. Мана, шундай ҳужжатлардан бири:

“СПРАВКА

Бериладир ушбу исправка 4-участка 4-элатда ўлтиримли Худойберган Девонифга шунинг учунки, мазкурнинг ижтимоий чиқиши: отаси Отажон тўрани дағма1си бўлиб, сўнгги вақтларда Кадам ясаулбошини(нг) девони бўлган. Ўзининг иқтидорлиги орқасида фотограф ишлари билан шугулланган. Ахволи эса ҳозирда хизматчи, мазкур мафкура томондан соғлом, шўро мажбуриятларини вақтида бажариб турмоқда. Совет сайланув ҳуқуқига молик.

4-совет раиси

- “ - “ -

(Сафариф)

(Абдуллаев).

Участка советининг берган исправкиси Шаҳар совети томонидан тасдиқланган.

Шаҳар совети масъул котиби

(Қутли Булатиф)”.

Агар 1936 йил 23 март куни 275 рақами билан Шаҳар совети рўйхатидан ўтган, Х.Девононинг “мафкура томондан соғлом, шўро мажбуриятларини вақтида бажариб тур”аётганини тасдиқлаган бу маълумотнома бўлмаса, унга – халқ ва мамлакат олдидаги хизматларни 7 ёшдан 70 ёшгача кишилар ҳурмат қилган жамоат ва маданият арбобиға давлат нафақаси берилмаган бўлармиди...

Аммо бу маълумотноманинг кучи факат бир нарсасагина етди. Х.Девонига нисбатан тиш қайраб юрган кимсалар доғда қолдилар. Бу ҳужжат улар қўлидан келажак совук хатти-ҳаракатларнинг олдини олди. Бирок бош гоёси Кремлда тугилган, Любянкада эса муфассал ишлаб чиқилган Катта қиргин операциясининг қўтарилиб келаятган бўрони олдида нафакат шаҳар, балки республика раҳбарларининг қафолатномалари ҳам сарик

чакалик кучга эга эмас эди.

Зулмат огушида

Зикр этилаётган архив материаллари орасида яна бир хужжат бор. У ҳам ўша кунларда тузилган куйидаги маълумотномадир:

“СПРАВКА

Бериладир ушбу справка 4-участка 4-элатда ўлтурумли Худойберган Девоновга. Шунинг учунки, мазкурнинг карамогидаги жон сонлари:

1. Худойберган Девонов, 58 яшар.
 2. Бекажон Девонова, хотини, 62 яшар.
 3. Ўгулжон Девонова, укаси, 44 яшар.
 4. Онажон Девонова, опаси, 62 яшар.
 5. Хожи Машарипов, ахтиги¹, 15 яшар.
 6. Жуманиёз Машарипов, ахтиги, 12 яшар.
- юкоридагилар дурусдир.
Сайлов ва сайланув ҳукукига моликдир.

4-участка совет раиси
Котиби

(Сапаров)
(Абдуллаев)”.

Мухр ва имзолар билан тасдиқланган бу маълумотномада Х.Девоновнинг хотини ва, эҳтимол, бошқа яқин қариндошларининг ҳам тугилган йиллари нотўғри қайд қилинган. Аммо бизнинг бу хужжатни келтиришдан муродимиз, биринчидан, Х.Девоновнинг оиласи тўғрисида муайян тасаввур бериш бўлса, иккинчидан, унинг бошига тушажак мудҳиш воқеалар туфайли шу оила аъзоларининг ҳам жабр-жафо қўражакларини айтиб ўтишдир.

Ҳурматли китобхон, сиз бу рўйхатда Х.Девонов фарзандларининг исмларини кўрмай ажабланаётган кўринасиз. Оллох келажак кулфатлардан халос этиш учунмикин, унинг бир-биридан ширин икки фарзанди – ўғли Оллоберган билан кизи Тўтижоннинг азиз жонларини бундан илгарирок олган эди. Шунинг учун улар номи бу рўйхатга киритилмаган..

Шундай қилиб, 1937 йилнинг конли бўрони дафъатан кўтарилди. Бу бўрон собиқ шўро мамлакатининг барча ҳудудларида яшаган аҳолини бир вақтнинг ўзида ямлаб-ютиб юбормокчи бўлди. Бу бўрондан на шаҳарнинг шинам уйларида истикомат қилган давлат ва жамият арбоблари, на олис тоғ этакларида мол боқиб юрган чўпонлар тирик қолишди. Бу, Оллохдан эмас, балки ер юзида яшаган ва ўзини шу бепоён ҳудудларнинг бирдан-бир хўжайини деб ўйлаган Иблисдан келган офат эди.

Мудхиш йилнинг кора булутлари биринчи ўзбек фотографининг боши узра ҳам тўпланаётган эди. Бўрон кучга кириши билан, 30 июнь куни, ярим кечада, НКВД ходимлари Хива шаҳрининг 4-махалла 4-элатидаги Худойберган Девонов яшаган 18-уйга бостириб келдилар. Х.Девоновни хибсга олиш хақидаги қарорда унинг хон нозири оиласидан эканлиги, ўзининг девон (мирза) лик билан шугулланганлиги, Асфандиёрхон билан Мухаммад Раҳимхоннинг фотографи бўлганлиги, инкилобдан сўнг Хорахм Халк Республикасида молия нозири бўлиб хизмат қилганлиги, шу кеча-кундузда эса Урганч шаҳрида сураткашлик касби билан машғуллиги айtilган эди..

Шу куни юкорида тилга оlingан манзилда тинтув ўтказилиб, Х.Девоновнинг 90 варақдан иборат ёзишмаси, 230 дона фотосурати ва қўшотар ов милтиги олиб кетилди.

Айни пайтда айбланувчининг қўёви Хасан Читқаровнинг Янги Урганч шаҳри Ленин кўчасидаги 18-уйида ҳам тинтув ўтказилиб, чемоданда сакланган 20 варақдан иборат ёзишмаси, 17 варақдан иборат ҳужжатлари ва 59 дона фотосурати мусадара қилинди.

Шу куни кечаси камокхонада Х.Девонов номига махбуслик анкетаси очилиб, унга қуйидаги маълумотлар қайд этилди: ўзбек, Хоразм округи ер-сув хизмати бўлими фотографи, отаси Хива шаҳридаги Кадам ясаулбошида девон (мирза) бўлган, унинг 6 гектар ери, 4 та хўкизи, иккита оти, 1 та туяси ва бир уйи бўлган. Махбус отаси билан бир хўжаликда ишлаган, отаси вафотидан сўнг эса 1927 йилга қадар отамерос ер-сувни ижарага бериб, ундан даромад олган. (Х.Девонов 1927 йилда шу ер-сувни шўро ҳокимияти фойдасига топширган.)

Шу вақтда оиласи: хотини Бекажон Отажонова (56 ёшда, уй бекаси), ўғли Машариф Худойберганов (40 ёшда, Хазорасп туман халқ маориф бўлимида фотограф), опаси Онажон Девонова (70 ёшда), синглиси Ўғилжон Девонова (41 ёшда, уй бекаси) дан иборат бўлган. Махбус мазкур анкета саволларига жавоб бериб, эски мактабда ўқигани ва ўрта маълумотга эга эканини, шунингдек, 1925 йилда ХХСРнинг Меҳнат ордени билан мукофатлангани ва молия нозири бўлиб хизмат қилганини айтган.

Шубҳасиз, Х.Девонов билан бир вақтда хоразмлик кўплаб танилган ва танилмаган кишилар ҳам хибсга оlingан. Шаҳар камокхонаси махбуслар билан тўлиб-тошиб кетган. Шу ва бошқа сабабларга кўра, НКВД ходимлари махбус фотографни 8 сентябрга қадар терговга чақиришмаган. 8 сентябрь куни эса у терговчи билан юзма-юз учрашиб, унинг саволларига жавоб берган.

Ўша йилларда НКВД тизимида жорий этилган тартиб-қоидага кўра, терговчи сиёсий масалаларда айбланган махбусдан шу айбларнинг тасдиқланишига хизмат қилувчи маълумотларни олишга ҳаракат қилган. Уни махбуснинг айбсиз эканлиги, унга қўйилган айбларнинг тухматдан бошқа нарса эмаслиги масаласи мутлақо қизиктирмаган. Терговчилар "қайсар" махбуслардан керакли маълумотни олиш учун қийноқнинг ҳар қандай дахшатли усулларида истаганларича фойдаланганлар. Шунинг учун ҳам тергов материалларида баён қилинган маълумотларни чин ҳақиқат деб қабул қилиш тўғри эмас.

Аммо Х.Девоновнинг махбус саволларига берган кўрсатмасида, бизнингча, унинг ҳаёти ва ижтимоий фаолиятига ойдинлик киритувчи баъзи бир қизмаларни йўқ, деб бўлмайди. Шунинг учун биз махбуснинг терговчи томонидан ёзилган кўрсатмасидаги айрим маълумотларни қуйида келтиришни ўринли, деб биламиз:

"...Мен, - деб ёзилган Х.Девоновнинг кўрсатмасида, - 1923 йили Хоразм ҳукумати томонидан ХХРнинг Москвадаги кўргазма комиссиясига аъзо, кўргазма комиссиясига раис этиб эса Хожи Аминатдинов тайинландик. У ХХР сув тизимининг раиси эди. Мен

1923 йил 12 августда Москвага бориб, 27 ёки 28 декабрда қайтиб, 1924 йил 15 январда Хоразмга етиб келдим. Мен Аминатдинов билан бирга Хонкага етиб келганимда, Хиванинг Жунаидхон кўшинлари томонидан ўраб олингани маълум бўлди. Шунинг учун биз Хонкадан кочиб, Тўрткўлга бордик. Улар тугатилган кейин Хивага келдик. Шу куннинг эртасига ЧК (ходими) Слободин мени хибсга олди, аммо мен (факат) 1 кун(гина) камокхонада бўлдим. Менимча, мени аксилинкилобий ташкилотга мансуб, деган шубха билан хибсга олишган эди. Орадан икки ёки уч ой ўтганидан кейин ЧК мени Мадраим Девоний билан бирга яна хибсга олиб, 20 кунча гувоҳ сифатида камокхонада сақлашди. Мен кўргазма комиссиясининг аъзоси бўлганимда, Мадраим Девоний ХХРнинг ташки савдо раиси (нозири) эди. У Москвада бўлган пайти(миз)да Москвадаги қандайдир Ломбергми ёки Ленгерми деган немис ваколатхонаси билан Германияга пахта сотиш масаласида шартнома тузган. Мадраим Девоний буни судда тан олган ва (уни) отиб ташлашган...

...1928 йилда Карим Болтаев Тошкентда Наркомзем (Ер ишлари халк комиссарлиги) да ишлар эди. Мен шу йили Тошкентга фотоаппарат сотиб олиш учун борган эдим. Пулим бўлмагани учун Тошкентда Наркомземга, Болтаевнинг хузурига бориб, ундан моддий ёрдам сўрадим ва Фаргона водийсига саёхатга бориб, баъзи бир янгиликларни суратга олиш ниятида эканлигимни айтдим. Ўшанда Болтаев менга бундай деган эди: “Сиз халк маорифи соҳасида кўп иш қилдингиз, шунинг учун илтимосингизни бажо келтирамиз” Болтаев шу захоти Маориф халк комиссарлигидаги қандайдир Жаргинга кўнгирок қилиб, унга менга маблаг билан ёрдам беришни топширди ва телефонда унга менинг қаердан келганлигим ва қайси лавозимда ишлаётганимни айтди. Шундан кейин Болтаев мени Маориф халк комиссарлигига юборди. Мен Жаргиннинг хузурига борганимда, у менга пул беришга ваъда қилди...

...1936 йили ёки 1935 йилнинг сентябрь ойида ЎзКП(б) қотиби Икромов Урганчга келган. (Уни) фотограф сифатида суратга олишим учун мени Исроиловнинг уйига таклиф қилишди. Борсам, у ерда Икромов ўтирган экан. У мени кўриб: “Кексайиб қолибсиз”, деди ва ўша ерда тик турган Исроилов, Хасанов, (Машариф) Кориёв ва бошқаларга қараб, бундай деди: “Девоний қариб қолипти, унга нафақа белгилаш масаласида окрижроқўмда ҳужжатларни расмийлаштириб, бизга, Тошкентга юборинглар. Биз унга ойлик нафақа тайинлаймиз”. Шу ходисадан кейин мен бевосита округ халк маориф бўлими (раиси) Раҳмоновга мурожаат этиб, унга Икромовнинг топширигини етказдим... Тошкентда Берёгин менга: “Файзулла Хўжаев орқали расмийлаштинг”, деди ва дарҳол Файзулла Хўжаевнинг қотиби Абдуллажоёвга кўнгирок қилиб, қабул қунини белгилаб беришини айтди. У (Абдуллажоёв) менга 21-куни ариза билан қелишимни тайинлади. Роса уч кундан кейин менга 300 сўм ойлик нафақа бериш ҳақидаги Халк Комиссарлари Советининг Файзулла Хўжаев имзо чеккан фармойиши қўлимга теги....

...Агар 1926 ёки 1927 йилда 15,5 танов еримни давлатга бермаганимда, мени, албатта, қулоқ қилишган ва ҳўжалигимни тортиб олишган бўларди. Мен шу ҳолни эътиборга олганман...”

Юқорида баён қилинган маълумотларда Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаевнинг номлари тилга олинган. Х.Девоний, эҳтимол, хибсга олинган вақтида шу республика раҳбарларининг “халқ душманлари” сифатида камокка олинганини билмаган, ҳатто улар номини тилга олиб ва уларга яқинлигимни билдириб, хибсдан озод бўламан, деб ўйлаган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас, Холбуки, ўша мудҳим йилларда шу икки арбобга яқин бўлганликнинг ўзи ҳар бир кишининг камокка олиниши ва отиб ташланиши учун етарли

жиноят ҳисобланган.

Хуллас, Худойберган Девоновнинг такдири ҳал қилинган эди.

1937 йил 1 декабрда тузилган қарорда айтилишича, Х.Девонов 1934 йилдан бошлаб аксилинкилобчи ташкилот раҳбарлари Файзулла Хўжаев ва Давлат Ризаевнинг топшириги асосида Англия разведкаси фойдасига жосуслик ишларини фаол олиб борганликда ҳамда шу ташкилот топшириги билан Хоразмда босмачилик ҳаракатини ташкил қилганликда ва инглиз жосуси, босмачилик ташкилотчиси Жунаидхон билан шахсан алоқада бўлганликда айбланган эди. Бу тухматдан иборат қарор кейинчалик янги айблар билан “бойиган” бўлса, бойидики, асло қамаймади.

Орадан 11 ой ўтгач, Тошкентда, 1938 йил 5 сентябрда 37-йил қурбонлари устидан суд бошланди. Шу куни соат 10 дан 35 дақиқа ўтганда бошланган суд бор-йўғи 15-20 дақиқа давом этди, ҳолос. Аммо шу қиска фурсатда суд Х.Девоновни 1920 йилдан “Миллий иттиҳод” аксилинкилобий миллатчилик ташкилоти аъзоси бўлиб, Хоразмда босмачилик ҳаракатини ташкил этишда фаол иштирок этганлик ва инглиз разведкаси агенти – Турманистондаги босмачилик ҳаракати раҳбари Жунаидхон билан алоқа ўратганлик ҳақидаги “эски” айблардан ташқари, унинг гарданига яна бир қатор “янги” айбларни қўйишга эришди. Бу айбларга қараганда, маҳбус ўз олдига Ўзбекистон ССРни СССРдан ажратиб олиб, буржуа давлатни барпо этиш мақсадини қўйган аксилинкилобий, миллатчилик, қўзғолончилик, террорчилик ва диверсия-зараркунандачилик ташкилоти билан алоқа ўрнатган ва шу ташкилот раҳбари Файзулла Хўжаевнинг топшириги билан Ўзбекистон бўйлаб районма-район кезиб, инглиз разведкаси учун жосуслик маълумотларини тўплаган эди.

Маҳбус бу ўта бемаъни айбларнинг бирортасини тан олмади. Аммо шунга қарамай, суд уни отиш ва шахсан унга тегишли бўлган мол-мулкни мусодара қилиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Ҳукм ўша куниёқ ярим кечада, Тошкентнинг Юнусобод туманидаги қатлгоҳда ижро этилди.

Аммо бу мудҳиш ҳукм ва унинг ижроси Х.Девонов оиласидан узок вақтгача яширилиб келди.

Х.Девонов ишини қайта қўриш масаласи ҳатто Сталин вафотидан кейин ҳам бир неча йил чўзилди. Нихоят, СССР Олий Судининг Ҳарбий коллегияси 1959 йил 25 июнда 1938 йил 5 октябрда чиқарилган ҳукмни бекор қилиб, Х.Девоновни оқлаш ҳақида бир битимга келди.

Х.Девонов оқланиб, унинг қариндош-уруглари манглайдан “халқ душмани”га дахлдорлик таъғиси олиб ташлангач, кенжа жияни Абдулла Юсупов Давлат хавфсизлик қўмитасига мурожаат этиб, тоғасининг тугилган санаси тўғрисида аниқ маълумот беришларини сўради. Мазкур муассаса ходимлари эса унга “1879 йил”, деб жавоб бердилар. Аммо биринчи ўзбек фотографининг аниқ тугилган санаси 1878 йил бўлиб чиқди.

Абдулла Юсуповнинг қаманига йўллаган хати
(Хулоса ўрнида)

Айтишларига караганда, омад, давлат куши инсон бошига жуда кам холларда, санокли маротаба кўнар экан, Бунда унинг халоллиги, фидойилиги, бегаразлиги, такводорлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлса керак.

Фикрларимни тасдиқлаш учун ҳаётимда 70-йиллар(да) содир бўлган воқеани сиз билан баҳам кўрсам, дейман. Биз, ўзбеклар, болаларимиз ўрта мактабда ўқиётган пайтларда профориентация (яъни касб танлаш) масаласига эътибор бериб,, боламизга унинг ҳаётида ҳақ таоло томонидан берилган асл йўналишни, касбни (призваниени), яъни ҳақиқий истеъдодни аниқлашга эътибор бермаймиз. Унинг давомли меҳнат жараёнида(ги) такдири, бахти-икболини белгилайдиган нарсага умуман бефарқ қараймиз.

Хали-хали эсимда, 5-6-синфданок кинотасвирчи бўламан, деб гурурланиб, ота-онамни холи-жонига қўймай юрардим. Кейинчалик раҳбарликми, рағбатми, нимадир етишмай, Москвага, ВГИКка бормай, Тошкент алоқа политехникумини битказиб, ҳарбий хизматни ҳам битказиб, Хоразм элиектртаромоклар корхонасида катта муҳандис бўлиб ишладим. Ўша пайтга келиб, оила курдим, бола-чакали бўлдим, ишим, маошим – ҳаммаси яхши эди. Аммо.... орадан шунча йил ўтган бўлишига қарамай, ўрта мактабда калбимдан кинооператор бўламан деган ниятим менга сира тинчлик бермасди. Аслини олганда, бу ҳам ўз-ўзидан шаклланган эмас эди. Менинг отам – раҳматли Юсуфжон Ҳасанов (бувимиз Бибижон Девонова алоҳида бир завқ, гурур билан “Мухаммад Юсуф” дердилар) ўзбек киносанъатини(нг) илк бор калдирғочи саналмиш Худойберган Девоновнинг жияни бўлиб, тоғаси ёнига 13 ёшлиқ ўспирин даврида бориб, устозининг кўплаб ҳар хил синовларидан муваффақиятли равишда ўтиб, ҳурматини қозонган. Шу даврда Худойберган Девоновнинг икки фарзанди – Оллоберган исмли ўғли, Тўтижон деган кизи вафот этиб, бобо фарзанд висолига зор бўлиб, отамни ўғли ўрнига қабул қилиб, меҳр қўйиб, калбидан жой ато этган. Устоз-шогирд то тақдир шафқатсиз ҳукмини амалга оширгунча елкама-елка туриб меҳнат қилиб, тарихда бебаҳо ҳазина ҳисобланмиш кўплаб фотхужжатлар яратганлар. Шу-шу Девоновнинг сиймоси доимо отамнинг кўз ўнгида бўлиб, калбида муҳрланиб, беихтиёр ҳар дам тилида ҳам гўё бўларди. Отамнинг устозига ҳурмат-эҳтироми ила сугорилиб, иштиёқ, гурур билан “дада”си ҳақида (айтган) ҳикоялари, табиийки, бизларни ром қиларди.

Биз Худойберган ота хибсга олинганидан анча йил кейин дунё юзини кўрдик. Биз у кишини суратидан танишимизга қарамай, у кишининг қиёфаси, унга бўлган буюк меҳр Юсуфжон Ҳасанов ҳикоялари туфайли автоматик тарзда калбимизга ўтган, муҳрланган. Биз ҳам “дада” деб Девоновни ўзимизнинг дадамизга айлантириб, унинг номи билан аталган кинотеатрга кирсак, алоҳида бир гурур, рух бизга ҳамроҳ бўларди. У бизнинг фаҳримиз.

Отам энг истеъдодли шогирдларидан ҳисобланиб, Хоразмда меҳнати, суратгирлик таланти туфайли катта обрў соҳиби эди. “Юсуфжон ака, Хоразмда сиздек расмчи йўқ, сиз суратга чинакамига жон киритиб ишлайсиз, сизга тасанно”, дердилар мижозлар. Ўта маданиятли, бир сўзли, лафзли (бу яхши ҳислатлар, фазилатлар Х.Девонов тарбияси натижалари, деб тушунсак, тўғри бўлади) отамиз 45 йил расмчилик қилиб, 1978 йил январь ойида ишхонасида номаълум шахслар томонидан ваҳшиёна ўлдирилди. (Жиноят ҳалигача очилмаган.) Фикримча, бунда конкуренция (рақобат) маълум-муайян роль ўйнаган бўлса ажаб эмас.

Отам рахматлик бизнинг калбимизда Девоновга нисбатан нафакат меҳр, балки авлод эстафетаси шаклида расмчиликни, кино санъатини, дадамизни(нг) тутган йўлини давом килдиришдек савоб ишни, у билан боглик фото-кинохужжатларни йигиб, кўз корачигидек авайлаб саклаш хунарини ҳам сингдирган.

Яна мавзуимизга кайтайлик.

“Даданг Худойберган Девонов нафакат Ўрта Осиёда, балки бутун мамлакат худудида (собик СССРда, қаранг: “Сов. фото”, 1981, № 5) биринчилар катори сураткаш, кинематографчи бўлса, ундан кўплаб фото-кинолавхалар - катта хазина қолган бўлса, уруг-аймогининг орасида сендан бошқа бу ишни давом килдирувчи йўқ. Шундай экан, умрингни беҳуда ўтказма, йигит”, дедим ўзимга электртармоқларда ишлаб юриб. Тангри таоло йўлчи юлдузимни ҳам тайинлаган экан. Бу, отамнинг, оиламнинг яқин одами, Хоразм вилоят кинолаштириш бошкармасининг собик рахбари марҳум Мадр(ай)им ака Юсупов эдилар. Шу кишининг саъй-ҳаракатлари сабаб азиз, калбимда алоҳида ўрин олган - мен у киши олдида бир умр уятлиман – Азиз Пўлатович Каюмов билан учрашишга муяссар бўлдим. У киши у даврда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қошидаги Кинематография давлат кўмитасининг раиси эдилар. Унча катта бўлмаган кабинет, оддий камтарона жихозлар, китоблар, қулиб, юзимга боқиб турган кабинет соҳиби... Кўлимдаги Худойберган Девонов туширган тарихий суратларни кўриб, Азиз Пўлатович жуда хурсанд бўлдилар. Мен эса у кишига “Ўзбекфильм” киностудиясидан иш сўраб келганимни айтдим. “Гап бундай, йигитча, - деб бир зумда ўйланиб қолдилар. – Аслида мен бу курсини(нг) эгаси эмасман. Мен адабиётчиман. Бу курсида эса кино санъати бўйича мутахассис ўлтириши керак, - деб давом қилди сўзида Азиз ака. - Сизга келсак, тўғри йўлни кўрсатишимиз бизга фарз. Кинога ўзингизни бахшида қилган экансиз, сиз ҳам кино мутахассиси бўлишингиз шарт, иш эса қочмайди. Москвага бориб, ВГИКка имтихон топшингиз. Ўзбекистонга шу даргоҳдан ўқ ўрин берилади. Сиз “З” баҳога топширсангиз ҳам, мен институтга сизни қирғизаман. Командирочний харажатларини ҳам зиммамга оламан”, – Азиз Пўлатович бу гапларни ихлос, ишонч, қатъиятлик ила айтдилар. Бундай мадад, таклиф, омад, тўғри йўл – ҳақиқатни айтсам – ҳаётимда қам бўлган. Ўрта мактабда олган билимимга ишонч ҳосил қилмадим, оиламни ўйладимми, ишкилиб Москвага кетишга менда журъат етишмади.

Мана, 30 йилдан буён шундай афсус, надомат, пушаймонлар қиламан. Домланинг олдида ўқтлиман...

Ҳаётда воқеалар такрорланар экан. 2000 йил Тошкент телевидениесида ишлаётган болам Худойберган (бобомнинг номини берганимда ҳам, аслида, бир ҳикмат бор бўлса керак) худди юқорида тасвирланган вазиятга тушиб қолса бўладими?... У олдин Бенков номидаги билим юртини битказди, сўнгра Островский номидаги Театр ва рассомлик институтини(нг) телережиссура факультетини тамомлаб, Ўзбекистон телевидениесида режиссёрлик қиларди. Москвадан, ВГИКдан 2,5 йиллик режиссёрлик олий курсига 2 ўрин ажратишган (экан) Ўзбекистон учун. Устози Шухрат Аббосов : “Худойберган Юсупов кетади, у шунга лойик”, деб туриб олса бўладими?... Бу нима? Ўхшашликми ёки ҳаётнинг ҳазилими?... Болам ҳам худди мендек иккиланиб турибди. “Болам, отам мендан рози бўлсин, десанг, ҳеч нимани ўйлаб ўтирма. Мен бир умр афсусдаман. Сен менинг хатоимни такрорлама. Москвага ўқ, сени Худойберган дадамизнинг руҳи-поки қўллағай. Яратганининг ўзи мададқоринг бўлғай, даб боламини қўндириб, Москвага жўнатдим. Албатта, Москвада яшаш, ўқишни(нг) ўзи бўлмайди. Кўп қийинчиликлар, иқтисод масаласи, қасаллиликлар бўлди.. Мана, ўқиш ҳам бир зумда битиб қолди. Тиним

билмайдиган, тиришкок дадамизни(нг) касбини давом эттириш эстафетасини бўйнига олган ўғлим Худойберган муваффакиятлар сари силжимокда. 3 минутлик “Ўйин тугади” деб номланган анимацион фильми билан 2001 йилда Анимацион фильмлар халқаро фестивалида “Мукаддас Анна” мукофоти учун ўтказилган танловда катнашиб, махсус диплом билан тақдирланди. Ўзбекистон Республикаси Бухоро шаҳрида ўтказилган кинофестивалда шу фильмга иккинчи фахрли ўрин берилиб, кийматбаҳо приз (соврин) олди. Худойберганни(нг) режалари кўп. Шулар орасида Худойберган Девонов номида Москвада киностудия очиб, довругини бутун дунёга таратиш ҳам бор. Дадамиз хақида менинг сценариям асосида бобомизнинг 125 йиллигига қараб фильм олиш ва х.к. Хозирча у “Чарли” студиясида ишлаб, Россиядаги фирма ва компанияларнинг рекламалари ва машҳур эстрада юлдузларининг видеороликларини кўплаб ишлаб, ТВН, СТС, Россия ТК, НТВ каналларида намойиш этиб тирикчилик қилмоқда. Канотларини ёйиб, кўнгилдагидек парвоз қилишга керакли замонавий техника етишмаслиги, гоҳ-гоҳда соғлигини(нг) мазаси йўқлиги, қолаверса, иктисодий етар-етмаслик белдан уряпти. Мана, ота-боланинг бир-бирига ўхшаш икки тақдири...

P.S. Господин Каримов!

Высылаю Вам материалы для статьи. За грамматические ошибки и логику прошу меня простить. Трудная, полная проблем, в то же время короткая жизнь, не даёт возможности конкретно, от души сосредоточиться на конкретной тематике. К тому же я очень жалею, что кончил учебное заведение на чужом, русском, языке.

А.Юсупов.

2004 г. .Ургенч.

* * *

Такдир кишиларни, хатто халкларни ҳам
кандай дахшатли синов ва имтихонлардан олиб ўтмайди.

Агар табиат офатлари шайтоний куч билан
хамла қилгудек бўлса, улкан тоғлар ҳам
нурай бошлаши мумкин.

Инсон эса тарих уммонида
ва шу уммоннинг асовсиз галаёнларида
бир баргдек

бир сонияда уммон қаърига қириб кетади.

Аммо шу нарса дахшатлики, инсонни табиат офатлари эмас, балки унинг ўзи, унинг
ичидан чиққан кучлар мажаклаб ташлайди.

Худойберган Девонов

шўролар даврида йўқ қилиб юборилган

20 миллионли жабрдийдалар қарвонидаги бир кишигина,
холос.

Уни ва унга ўхшаш кишиларни махв этиш билан

мустабид давлат
нимага эришди? Кудратли бўлдимми?
Йўк!

Аксинча, минглаб истеъдодли кишиларни кириб ташлаши билан давлат ўзининг тагига
ўзи

сув куйди. Ўзи заифлашди.

Ўзини-ўзи бутун дунё олдида шармандаи шармисор килди.

Шояд катагон деган,

1937 йил деган мудхиш воқеалар

тарих саҳифаларида колган бўлса-ю,

кайта такрорланмаса.

Шояд бир Худойберган Девоновнинг, бир Чўлпоннинг,

бир Убайдулла Хўжаевнинг ўрнига ўнлаб ёшлар

“Мен Худойберган Девоновман “Мен Чўлпонман!”,

“Мен Убайдулла Хўжаевман!” деб майдонга отилиб чиксалар-да, улар бажариб

улгурмаган ишларни улардан ҳам

аъло даражада башаришса.

Шояд авлодлар бу жабрдийда улуг аждодларини унутмай,

уларни ёд этиш,

улар хотирасига хурмат билдириш

йўли билан покланиб, баркамоллашиб борсалар.

Шоид ўзбек халкининг келажаги,

улар орзу килганларидек,

биз орзу килаётганимиздек,

мунаввар бўлса...